

Боқий фикр
Сайлов — барчамиз
учун муҳим синов,
таъбир жоиз бўлса,
жиддий имтиҳон.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 17-dekabr, chorshanba № 100 (8749)

СИФАТЛИ ТАЪЛИМ САРИ



Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-Нукус академик лицейида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда ушбу таълим масканида 629 нафар ўғил-қиз аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар, хорижий тиллар йўналиши бўйича сабоқ олаётир. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув, лаборатория, лингафон хоналари, ахборот-ресурс маркази, спорт зали, 200 ўринли ётоқхона ўқувчилар ихтиёрида. Дарслар илғор педагогик андозалар асосида, кўرғазмали қурол ва инновацион технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида фан ва спорт тўғрақлари фаолияти йўлга қўйилган.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
Максад ХАБИБУЛЛАЕВ
 олган сурат.

436 МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ қўлланмалардаги билимдан бахраманд бўлади

“Соғлом бола йили” Давлат дастурига асосан мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган болаларни мактабга тайёрлашга мўлжаллаб чоп этилган беш номдаги (“Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёргарлик”, “Математик тасаввурларни шакллантириш”, “Шеърлий асарлар тўплами”, “Насрий асарлар тўлами”, “Соғ танда — соғлом ақл”) қўлланмаларнинг жойларга етказилиши ва улардан оилаларнинг фойдаланишини таъминлаш тартиби хусусида Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари бўлими бошлиғи **Сабоҳат МИРЖАЛИЛОВА** билан сўзбатлашдик.

— МТМга қамраб олинмаган болалар учун чоп этилган беш номдаги қўлланмаларни жойларга етказиш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мазкур тартиб беш номдаги рангли, суратли китобларни манзилли рўйхат асосида босқичма-босқич жойларга етказишни кўзда tutadi. Унга кўра, жараён қуйидагича амалга оширилди. Аввало, Республика “Таълимтаъминоғ” унитар корхонаси қўлланмаларни нашриётдан қабул қилиб олгач, уларнинг

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналарига етиб боришини таъминлади. Китоблар ташкилотлар орқали тақсимотга асосан умумтаълим мактаблари кутубхонасига етказилди. Уларни тарқатиш юзасидан туман(шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлиmlарининг буйруғи чиқарилиб, масъулар тайинлангач, қўлланмалар ота-оналарга берилмоқда.

(Давоми 5-бетда.)

21-dekabr – Saylov kuni

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига пухта тайёргарлик кўрилди. Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ушбу муҳим сиёсий тadbирнинг миллий қонунчилигимиз талаблари ва халқаро стандартлар даражасида ўтишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ САЙЛОВГА ТАЙЁР

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам сайлов кампаниясининг барча босқичлари юқори ташкилий савияда ўтказилмоқда. Марказий кўчалар, жамоат жойларида сайлов ҳақида маълумот берувчи баннерлар ўрнатилган, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти сайлов қонунчилигига қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилмоқда.

Худуддаги ҳар бир сайлов участкасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, сайловга оид қонун ҳужжатлари, қўлланмалар билан таъминланган маълумотхона, барча зарур жиҳозларга эга, малакали мутахассислар бириктирилган тиббий ёрдам, оналар ва болалар хоналари ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, сайлов участкала-

ри сайловчиларнинг овоз бериши учун шай ҳолга келтирилди.

— Туманимиз худудида жойлашган барча сайлов участкаларида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича тadbирлар белгиланган муддатларда амалга оширилди. Жумладан, сайловчилар рўйхати тузилиб, ҳамма учун кўринарли жойларга илиб қўйилган, — дейди халқ депутатлари Кегейли туман кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси Ахметулла Каримов. — Бугунги кунда фуқаролар сайловчилар рўйхати билан танишмоқда. Депутатликка номзодлар билан учрашувлар ташкил этилиб, ушбу тadbирлар қизгин сиёсий кураш руҳида, таклиф ва мулоҳазаларга бой тарзда ўтмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
 инсон хавфсизлиги ва саломатлиги учун хизмат қилмоқда

3-бет

ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛАФФУЗИ

8—9-бетлар

КЕНГ ИМКОНИЯТЛИ ДИСПЛЕЙЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОРМИ?

12-бет

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сурхондарё вилоятида ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайлови бўйича ташкил этилган 705 та сайлов участкаси овоз бериш учун тахт ҳолга келтирилди.

Ангор туманидаги 9-болалар мусиқа ва санъат мактаби биносига даъво қилинган 116-сайлов участкаси замонавий алоқа воситалари, компьютер, мебель ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Сайлов округимизда 10 та сайлов участкаси ташкил этилган, — дейди халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши-

семинарлар ташкил этилиб, сайловнинг мamlakatимиз тарраққийотидagi аҳамияти тўғрисида кенг маълумот берилмоқда, миллий сайлов қонунчилигимиз атрофлича тushuntirilmoqda.

Наманган вилоятида сайловни ўтказувчи 768 та сайлов участкаси ташкил этилган.

— Сайлов участкамиз ҳудудда 3 минг нафар сайловчи рўйхатга олинган, — дейди Норин тумани Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 293-участка сайлов комиссияси раиси Муҳаммадjon Эргашев. — Айрим сабабларга кўра 21 декабрь куни сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун уларнинг турган жойида овоз беришини ташкил этиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилди. 10 нафар бе-

САЙЛОВЛАР ЮКСАК САВИЯДА ВА ОШКОРАЛИК РУҶИДА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 декабрь куни ўтказиладиган сайловларни кузатиш учун мамлакатимизга келган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари вилоятларда бўлиб, ушбу сиёсий тадбирга кўрилган тайёргарлик ишлари билан танишмоқда. ЎЗА мухбирлари Тошкент ва Наманган вилоятига ташриф буюрган халқаро кузатувчиларнинг фикрлари билан қизиқди.

Натали КРИГЕР, ЕХХТ маъсул вакили (Германия):

— Миссиямиз вакиллари шу кунгача Зангиота, Бўстонлик ва Қибрай туманларидаги сайлов участкаларининг муҳим жараёнига қай даражада таратилган билан танишиб чиқди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловларни ўтказишга юқори даражада ёрдам кўрсатилгани, фуқароларга сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти, маҳаллий давлат ҳокимияти вакили органларига сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари нимадан иборат эканини тushuntiriш борасида амалга оширилган ишлар, ташкил этилган семинар-тренинглари яхши самара берганига гувоҳ бўлдим.

ЕХХТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонда ўтган олдинги парламент сайловларида ҳам қатнашган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон миллий сайлов қонунчилиги такомиллаштирилган. Бу энг юқори демократик талабларга тўла жавоб беради. Фуқаролар ўзлари истаган номзодга яширин тарзда овоз бериши учун янада кенг имкониятлар яратилган, ҳуқуқ ва эркинликка қўйилган қўшимчалари кучайтирилган.

Лариса ЮНКЕВИЧ, МДХ кузатувчиси (Россия):

— 86-Чирчиқ сайлов округида бўлдим. Сайлов участкалари қай тартибда ташкил этилган, уларнинг сайлов жараёнига тайёргарлик ҳолати ва депутатликка номзодларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари ўтказгани ҳамда мазкур жараёнда илк бор қатнашган ёшлар билан нечоғли иш олиб борилганини ўрганиб чиқдим.

Шунга амин бўлдимки, мамлакатингизда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалда таъминлаш мақсадида халқаро талабларга тўла жавоб берадиган мустақам тизим яратилган.

Участка жойлашган ҳудудлардаги кўчалар ва биноларда депутатликка номзодларнинг плакатлари ҳамда сайловчилар-

ралар бераётганига амин бўлдим. Бундай ўзгаришлар сайловларни ҳар томонлама юксак демократик савияда, ушқоқлик билан ўтказишга хизмат қилади.

Президент Ислам Каримов томонидан илгари сурилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга сазовор.

Мириан ГОМ, ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар гуруҳи вакили:

— Наманган вилояти сайлов комиссияси фаолияти билан танишдик. Мазкур сайлов комиссиясига шаҳарнинг энг мухташам

биноларидан бири ажратилгани, бу ерда яратилган таъминот шарт-шароитлар сайловга яхши тайёргарлик кўрилганидан далолатдир.

Барча участкалар сайлов ўтказишга шай ҳолда. Жумладан, 44-Турақўрган сайлов округидаги 371-сайлов участкасида сайловчиларнинг яширин ва эркин овоз бериши, сайловнинг очиклик, ошқоралик ва адолат тамойиллари асосида ўтиши учун барча зарур шароит яратилган.

Сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказиладиган учрашувларда сайловчи ташкиоти, бунда сиёсий партиялар ва номзодларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар, оммавий ахборот воситаларидан қандай фойдаланилаётгани каби ишларни кузатишни режалаштирганмиз.

Сайловга оид қонунларга қўллаб ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, миллий қонунчилик асосларининг такомиллаштирилгани сайловлар адолатли, очик ва демократик руҳда, сиёсий қурашлар остида ўтишига хизмат қилади, деб ишонамиз.

ЎЗА мухбирлари Бекзод ХИДОЯТОВ, Акрамжон САТТОРОВ ёзиб олди.

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ САЙЛОВГА ТАЙЁР

га сайлов ўтказувчи 2-Ангор округ сайлов комиссияси раиси Турсунзои Тўрабоев. — Округимиздаги барча участка сайлов комиссиялари томонидан фуқаролар участка сайлов комиссиясининг таркиби, унинг манзили, иш вақти ва фаолиятидан хабардор этилди. Сайловчилар рўйхатига киритилган ҳар бир фуқарога таклифнома-лар етказилди.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 26-Кунчиқар сайлов участкасида ҳам сайловга пухта тайёргарлик кўрилди. Овоз берувчиларга қулайлик яратиш учун сайлов участкаси жойлашган манзилларга олиб борувчи йўлларга кўрсаткичлар ўрнатилиб, сайлов қонунчилиги оид плакатлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситалари жойлаштирилди.

— Сайлов участкамизда 2 минг 974 нафар фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, Ватанимиз тарраққийоти, юртимиз келажаги учун овоз бериши қутилмоқда, — дейди участка сайлов комиссияси раиси ўринбосари Маърифат Назирова. — Уларнинг 325 нафари сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшлардир. Ёш сайловчилар учун турли учрашувлар, давра суҳбатлари ва

мор, ногирон ва кекса сайловчи аниқлашиб, уларга ўз сиёсий ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имкониятини таъминлаш мақсадида кўчма сайлов қутиси тайёрланди. Сайлов кунини участка сайлов комиссиясининг икки нафар аъзоси ушбу сайловчилар ҳузурига бориши учун хизмат автомобили ажратилди. Сайлов участкамиз бўйича битта фуқаро хизмат тақозосига кўра муддатидан олдин овоз бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Унинг мурожаати сайлов қонунчилигига кўра ўз вақтида қондирилиб, сайловчи ўзи муносиб деб топган номзодларга овоз берди.

21 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайлов юртимизда демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам бўлиб, фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакили органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи таъминланишига, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Несибели МАМБЕТИРЗАЕВА, Норқувват ТўРАЕВ, Ўқтам МЕЙЛИЕВ, Ганишер АКБАРОВ, «Ma'rifat» мухбирлари

ИЛҒОР МУАЛЛИФЛАР ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи — 2014» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тақдирлаш маросимида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган танлов ёшларнинг билим ва салоҳияти, онгу тафаккурини юксалтирувчи энг илғор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилишига туртки бериб, юқори малакали, рақобатдош кадрлар тайёрлашга ҳисса қўшиб келаятгани алоҳида таъкидланди. Шундан сўнг саҳнага тантанали тарзда ғолиб ва совриндорлар тақдиф этилди ва уларга диплом ҳамда эсдалик совгалари топширилди.

— Танлов замонавий педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари-

га асосланган дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга ҳисса қўшаётган олимлар, юқори малакали мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар меҳнатига кўрсатилаётган эътибор ва эътирофнинг ўзига хос кўринишидир, — дейди Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказининг бўлим бошлиги Мамаражаб Тожиёв. — Бу йилги танловда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, аниқ ва табиий, умумқасбий, ихтисослик, умумметодологик, мутахассислик фанлари каби 11 номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Унда жами 133 номдаги ўқув адабиёти ва 260 нафардан зиёд муаллиф қатнашди. Танлов натижаларига кўра, 54 дарслик ва ўқув адабиёти муаллифлари ғолиб деб топилди. Бундан ташқари, 12та дарслик ва ўқув қўлланмаси рағбатлантирувчи ўринларни эгаллади.

— Ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қилувчи энг



яхши дарслик ва ўқув адабиёти номинациясида «Психологик хизмат» электрон дарслигимиз 2-ўринни эгаллади, — дейди Тошкент давлат педагогика университети профессори, психология фанлари доктори Замира Нишоновна. — Ҳаммуаллифликда яратилган дарслик психолог ишининг

барча жиҳатларини қамраб олган. Бугун бизга берилган рағбат таъминот тарбия соҳасидаги изланишларга кўрсатилаётган эътибор маъсулидир.

Санобар ЖУМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

2014-yil 17-dekabr, № 100 (8749)

Илм-фан одамзотни дастлабки даврлардан бошлаб то ҳозирга қадар ривожланишга, камолотга, тараққиётга етади. Давлат ва жамиятлар барпо бўлиб, инсониятнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий олами, дунёқарашини ўсиб боради. Мамлакатлар қудрати ва дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ўша ҳудудда илм-фаннинг қай даражада ривож топгани ҳамда янгиликлар яратган, кашфиёт ва ихтиролар қилган олим ва алломалари салоҳияти билан ҳам баҳолана болади. Қадим солномаларимизни varaқлайдиган бўлсак, аجدодларимизнинг бой илмий мероси, оламшумул кашфиётлари билан дунё илму фани тараққиётга улкан ҳисса қўшганлигига гувоҳ бўламиз. «Маъмун академияси» каби буюк алломаларни етиштирган катта илм мактаблари, Ҳирот, Самарқанд, Бухоро, Хива каби маърифат ўчоқларининг донги етти иқлимга кетди. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек каби буюк олимлар номи дунёга танилган илм аҳли қаторидан жой олди. Бугунга келиб, уларнинг давомчилари буюк аждодлар изидан боришмоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб бораётган ахборот технологияларида оид куйдаги тадқиқотлар муаллифлари ана шундай иқтидор эгаларидан.

— Илмий ишларимиз бўлак-полиномиал методлар асосида сигналларга рақамли ишлов берувчи махсус процессорлар ва уларнинг дастурий таъминоти яратишга қаратилган, — дейди техника фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат бошқаруви академияси «Бошқарувда ахборот технологиялари» кафедраси мудири Ҳакимжон Зайниддинов. — Ушбу воситаларни яратишнинг назарий асосини махсус базис функциялар ва сплайн-функциялар назарияси ташкил қилади. Яратилган махсус процессорлар мавжуд универсал процессорлардан фарқи ўларок, ўзи қўлланилаётган соҳа масалаларини ечишда анча самарали ҳисобланади, яъни тезлиги, аниқлиги, ишчиликни жуда юқори бўлади. Махсус процессорлардан тиббиёт, радиотехника, электроника, акустика, сейсмология, радио ва телевидение, геофизика, радиолокация ва бошқа соҳаларда фойдаланиб келинмоқда.

Сигналларга рақамли ишлов берувчи махсус процессорларга доир кейинги 30 йил давомида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан геофизика соҳасида кенг фойдаланилмоқда. Чунки шу кунгача геофизик олимлар фойдали қазилмалар мавжуд жойлар, уларнинг миқдорини аниқлашда муаммоларга дуч келишар эди. Нефть ва газ захиралари, уларнинг миқдорини аниқ ҳисоблаш ва қазиб олиш учун қуриладиган қудуқлар жойларини белгилаш, ушбу соҳа учун жуда катта зарурат туғдиради. Олимларнинг таъкидлашича, битта қудуқни лойиҳалаб, бургилаб туғатишга 5 мингдан 25 минг АҚШ долларигача миқдорда маблағ сарфланар экан. Шунинг учун фойдали қазилмаларнинг жойлашган ерлари ҳамда захиралар миқдорини олдиндан аниқлаш муаммоси ҳамма доллар бўлиб келган. Шогирдларимиз билан қилган тадқиқотимиз натижасида сигналларга рақамли ишлов

ўзгариши дефект (дарз кетган жой) мавжудлигидан далолат беради. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун спектрал усул тавсия қилинган ва биз яратган магнит сезгилар фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бугунга келиб, ахборот технологияларидан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, ушбу технологияларнинг инсон саломатлигини сақлаш мақсадида қўлланилиши жуда долзарб ҳисобланади. Кейинги йилларда бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ҳар хил хасталикларни тадқиқ этиш, ташхис қўйиш ва даволашга мўлжалланган янги, компьютерлаштирил-

усулларни ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун устозимиз Ҳакимжон Зайниддинов раҳбарлигида кўплаб изланишлар олиб бордик. Изланишларимиз самараси ўларок, ошқозон-ичак йўллари фаолиятини функционал ташхис қўйиш компьютер тизимини яратдик.

Юрак-қонтомир касалликлари аҳоли орасида кенг тарқалган бўлиб, кўпинча беморларни ногиронлик ва ўлим ҳолатларига олиб келади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда юрак-қонтомир касалликлари туфайли йилга 17,4 миллион киши вафот этмоқда. Илмий изланишлардан маълум бўлишича, юрак ка-

Izlanish

бош қотиришмоқда. Изланувчан олимлар навбатдаги тадқиқотларини ҳудди ана шу муаммоларни бартараф қилиш механизмларига қаратдилар.

— Маълумки, юрак-қонтомир хасталиклари билан касалланган беморларга ташхис қўйишда юрак фаолияти кардиограмма қилинади, — дейди ТАТУ мустақил тадқиқотчиси Аваз Мирзаев. — Юрак фаолиятини баҳолаш ва беморга ташхис қўйишда кўп ҳолларда юракни бир сутка давомида кардиограмма қилиш тўри келади. Юрак фаолиятини суткалаб мониторинг қилиш қурилмалари мавжуд, лекин улар чет элдан келтирилади, нархлари қиммат ва дастурий таъминоти ўзгариши, тақомиллаштириши мумкин эмас. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун кардиолог ахборотга оператив ишлов бериш усуллари ва воситаларини яратдик. Бунга кўра юрак-қонтомир касалликларидан шикоят бор бемор одатий тарзда, бир неча дақиқа давомида

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

инсон хавфсизлиги ва саломатлиги учун хизмат қилмоқда

берувчи махсус процессорлардан фойдаланиб, нефт конлари ва захиралари жойлашган ерларни аниқ ва тезкор башорат қилиш имкони яратилди.

Мамлакатимизда темир йўллар соҳаси ўзининг сўнгги 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Юртимизнинг барча минтақаларини бир-бири билан боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан орттиги темир йўл транспорти орқали ташилмоқда. Шундай экан, ушбу соҳада хавфсизликка эътибор қаратиш долзарб вазифалардан саналади. Сигналларга рақамли ишлов берувчи махсус процессорлар темир йўл рельслари мустаҳкамлигини олдиндан башорат қилиш, темир йўлларда содир бўладиган ноҳушлик (авария) ва фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш имконини ҳам беради.

— Рельсларни бевосита ишлатилаётганида назорат қилиш одатда вагон-дефектоскоплар ёрдамида бажарилади, — дейди Ҳакимжон Зайниддинов. — Бунда рельслар сунъий магнит майдони ёрдамида магнитланади, агар рельснинг бирор жойида дефект мавжуд бўлса, ўша жойда магнит майдони аномал ўзгаради. Демак, магнит майдони



ган воситаларни қўллаш кенг ривож топган. Изланувчан олимларнинг навбатдаги тадқиқоти тиббиёт соҳаси учун асқотадиган махсус қурилмага бағишланган.

— Маълумотларга кўра, бутун дунёда ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталаниш кўп кузатилмоқда, — дейди ТАТУ кафедраси мустақил тадқиқотчиси Азамат Қаҳҳоров. — Маълумки, ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш учун беморлардан миникамера (зонд) ютиш талаб этилади. Тиббиёт ходимларининг фикрича, 75 фоиз беморлар (болалар, жарроҳлик операциясидан чиққанлар, инсульт, инфаркт бўлганлар) турли сабабларга кўра зонд ютолмас экан. Шунинг учун ҳозирги кунда ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш учун ноинвазив

салликлари аҳоли орасида кенг тарқалганининг асосий сабаби 18 ёшдан ошган аҳолининг 25 фоизидан арсичи учун асқотадиган махсус қурилмага бағишланган. — Маълумотларга кўра, бутун дунёда ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталаниш кўп кузатилмоқда, — дейди ТАТУ кафедраси мустақил тадқиқотчиси Азамат Қаҳҳоров. — Маълумки, ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш учун беморлардан миникамера (зонд) ютиш талаб этилади. Тиббиёт ходимларининг фикрича, 75 фоиз беморлар (болалар, жарроҳлик операциясидан чиққанлар, инсульт, инфаркт бўлганлар) турли сабабларга кўра зонд ютолмас экан. Шунинг учун ҳозирги кунда ошқозон-ичак йўли касалликлари билан хасталанган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш учун ноинвазив

кардиограмма текширувидан ўтмай, кийим ичидан танага (юрак соҳаси атрофида) ўрнатиладиган махсус қурилмани кийиб, шифокор ҳузуридан кетади. Бир сутка давомида у доимий яшаш фаолиятида давом этади: ишлайди, юради, югуради, овқатланади, фикрлайди, ухлайди ва ҳоказо. Натижада унинг юрак фаолиятининг бир суткалик натижаси митти хотирага ёзилиб боради. Бу эса касалликка тўғри, аниқ ва кенг қамровда ташхис қўйиш имконини беради.

Фойдали ва самарали илмгина ардоқли. Зеҳни ва билимига таяниб, ўз иқтидорини ҳамда салоҳиятини ишга солиб, янгиликлар яратётган изланувчилар тадқиқотлари инсон эҳтиёжи, халқ манфаатларига хизмат қилмоқда.

Маърифат ТЕМУРЗОДА,
«Ma'rifat» муҳбири

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ **Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида ҳайдовчиларга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини интерактив тарзда ўргатувчи "AutoTest 2.0" электрон дастури тақдироти бўлиб ўтди.**

Унда ушбу дастур яратувчилари, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"AutoTest 2.0" электрон ўқув қўлланмасининг мазкур версияси 276 соатлик ўқув дастурини ўз ичига олиб, икки мингдан ортиқ 3D форматдаги видео-тренинг ва анимацияларни қамраб олган. Қўлланма "Йўл ҳаракати қоидалари", "Автотранспорт воситаларининг тузилиши ва уларга техник хизмат кўрсатиш", "Автотранспорт воситаларини хавфсиз бошқариш ва ҳаракат хавфсизлиги асослари" ҳамда "Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш" каби бўлимлардан иборат.

❖ **Ёшлар ижод саройида «Миллий либос» республика мода фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбир «Osiyo ramzi» Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан ташкил этилди.

Унда мамлакатимизнинг маданият ва санъат намоёндалари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, чет эллик меҳмонлар иштирок этди.

Уч қисмдан иборат фестивалнинг биринчи қисмида ёш дизайнерларнинг «Pret-a-porter» услубидаги коллекциялари намойиш этилди. Дастурнинг иккинчи қисмида мамлакатимизнинг турли ҳудудларига хос миллий либослар намойиши ўрин олди. Учинчи қисмда замонавий либослар намойиш этилди.

Фестиваль доирасида Италия ва Германиянинг машҳур дизайнерлари, Ўзбекистоннинг етакчи мухтаassisлари томонидан ёш дизайнерлар учун маҳорат сабоқлари, семинар-тренинглар ташкил этилди.

❖ **Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказида "Ҳиндистон Ўзбекистон ёш рассомлари нигоҳида" мавзусида анъанавий кўрик-танлов ва кўргазма ўтказилди.**

Тадбир "Ўзбекистон — Ҳиндистон" дўстлик жамияти томонидан Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

Танловда биринчи ўринни ҳинд халқи анъаналари ва турмуш тарзи акс эттирилган туркум суратлари учун Сирдарё вилояти Бахт шаҳридаги 39-умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдулазиз Абдуллаев эгаллади.

❖ **Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида «Ёшларнинг инновацион голяри» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Иқтисодиёт вазирликлари, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда олтинчи раунд ёш тадқиқотчининг замонавий илм-фан ва инновация соҳасидаги изланишларига оид маърузалари ва кўргазмалари чиқишлари тақдироти ўтказилди, инновацион ишланмалар кўргазмаси намойиш этилди.

Кўрик-танлов голиб ва совриндорлари диплом ҳамда совғалар билан тақдирланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Мушоирага айланган учрашув

❖ **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг адабиёт йўналиши бўйича совриндорларнинг учрашуви бўлиб ўтди. 46 нафар ёш ижодкорнинг ўзига хос шеърят байрамига айланган ушбу тадбирда шoir ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, журналистлар иштирок этди.**

Учрашувда "Бахтим шул, Ўзбекининг Зулфиясиман" тўпламини нашрга тайёрлаш, "Саодат" журнали қошида ташкил этилган "Зулфияхоним мактаби" билан таништириш,

ёш шоирларнинг ўзига хос тажриба алмашишига ижодий муҳит яратиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди акс этган "Шарқнинг биллур овози" мавзусида фотокўргазма ташкил этиш, шоиранинг ҳаёти ва ижодига бағишланган веб-сайти янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Тадбир сўнггида ёш ижодкорларнинг мушоираси уюштирилди.

Олимжон ЖУМАОБОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Фаол ёшларни бирлаштирган тарғибот лойиҳаси

❖ **Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот лойиҳаси якунларига бағишланган тадбир ўтказилди.**

Тадбирда 15 ноябрдан 15 декабргача давом этган тарғибот ойларида пойтахтимиз ва вилоятлардаги олий ўқув юртли талабалари томонидан "Тенгдош-тенгдошга" тасмавий асосида мактаб, коллеж, лицей ва маҳалаларда

тадбирларидан бири бўлди. «Камолот» ЕИХнинг интернет-даги elections2014.kamolot.uz веб-сайти орқали "Мен сайловга тайёрман" онлайн танловда юртимизнинг турли ҳудудларидан 121 мингдан ортиқ ўғил-қиз қатнашди.

Тарғибот ойларида фаол иштирок этган талабалар, танлов голиб ва совриндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ҳасан МҮМИНОВ

Самарали усуллар тақдим этилди

❖ **Чирчиқ шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида "Чет тилларни ўрганишда мулоқот муҳитини шакллантириш" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Тадбирда Республика таълим маркази, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ходимлари иштирок этди.**

Семинарда асосан чет тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, дарсдан ташқари машғулотлар савиясини ошириш, «Маҳорат мак-

таблари» фаолиятини янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шундан сўнг иштирокчилар шўббаларга бўлиниб, бошланғич синфларда чет тилини ўргатишда замонавий ахборот-технологиялардан фойдаланиш борасидаги илғор тажрибаларини ўртоқлашди.

Тадбир сўнггида дарсларда дидактик ўйинлардан фойдаланиш, лугатлар билан ишлаш, болалар нутқини ўстириш бўйича тавсиялар берилди.

Махбуба КАРИМОВА,
"Ma'rifat" мухбири

«Менинг қадрдон ўрмоним»

❖ **«Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази томонидан ташкил этилган «Менинг қадрдон ўрмоним» танловида ёшларда ўрмонлар тўғрисидаги тушунчаларни янада бойитиш ва уларни асраб-авайлаш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.**

Бадий ижод орқали болаларга экологик ва эстетик тарбия бериш, Ўзбекистондаги ранг-баранг ўрмонлар ҳақида тушунчага эга бўлиш, яшил бойликка муносабатни тасвирий санъат намуналарида акс эттириш кўрик-танлов шартларини ташкил этди. Иштирокчилар ана шу шартлар билан таништирилди. Танловни талаб даражасида ташкил этиш учун марказ ме-

тодистлари томонидан фотоларга экологик ва эстетик тарбия бериш, Ўзбекистондаги ранг-баранг ўрмонлар ҳақида тушунчага эга бўлиш, яшил бойликка муносабатни тасвирий санъат намуналарида акс эттириш кўрик-танлов шартларини ташкил этди. Иштирокчилар ана шу шартлар билан таништирилди. Танловни талаб даражасида ташкил этиш учун марказ ме-

тодистлари томонидан фотоларга экологик ва эстетик тарбия бериш, Ўзбекистондаги ранг-баранг ўрмонлар ҳақида тушунчага эга бўлиш, яшил бойликка муносабатни тасвирий санъат намуналарида акс эттириш кўрик-танлов шартларини ташкил этди. Иштирокчилар ана шу шартлар билан таништирилди. Танловни талаб даражасида ташкил этиш учун марказ ме-

Наталья ШИВАЛДОВА,
«Баркамол авлод» республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази методисти

Дарсларда ўқувчилар фаол

❖ **Учкўприк туманидаги 29-умумтаълим мактабида миллий истиқлол госяи туркумига кирувчи фанлар ойлиги қизгин давом этмокда.**

Ойлик давомида "Ватани мадҳ этамиз", "Қўшиқларда ватан тараннуми", "Оила — маънавият кўргони", "Юксак маънавият — енгилмас куч", "Президент асарлари билимдони" каби танловлар ўтказилапти.

— Фан ойлигига катта тайёргарлик кўрилди, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зебо Абдуллаева. — Фан ўқитувчилари томонидан ойликни ўтказиш бўйича ноябрь ойининг учинчи ўн кунлигида режа тузилди. Унга асосан, 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан 4-

сифф ўқувчилари ўртасида расмлар танлови ўтказилди. 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан тадбирда эса 9-сифф ўқувчилари имконияти чекланган болалар ҳуқуқлари тўғрисида саҳна кўринишлари намойиш этишди.

Миллий истиқлол госяи ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Ш.Мадрохимова 9-«А» синфда "Оила — маънавият кўргони" мавзусида очик дарс ўтди. Ўқитувчи замонавий АКТлардан фойдаланиб, оиланинг жамиятда тутган ўрни, бола тарбиясида ота-она роли муҳимлиги, баркамол авлод, аввало, оилада камолга етиши ҳақида маълумот берди.

Муножот РАҲМОНОВА,
Ҳилола МАҲҚАМОВА,
мактаб ўқитувчилари

2014-yil 17-dekabr, № 100 (8749)

2014-yil — Sog'lom bola yili

436 МИНГДАН ЗИЁД
ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИқўлланмалардаги билимдан
бахраманд бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қўлланмалардан унумли фойдаланишни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, МТМ тарбиячилари ва бошқа масъулларнинг оилаларда тушунтириш ишларини олиб боришни ташкил этиш мақсадида 10000 тўпلام қўлланма мамлакатимиздаги мавжуд 4950та мактабгача таълим муассасаси (ҳар бирига икки тўпلامдан), худудий малака ошириш институтлари (ҳар бирига беш тўпلامдан), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари (ҳар бирига бир тўпلامдан), Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази (ўн олти тўпلام)га берилди.

— Қўлланмалар ота-оналарга қай тартибда тарқатилмоқда?


— Беш номдаги китоблар фақат мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган 5-6 ёшли фарзандлари бор оилаларга тақдим этилади. Ота-оналар китобни олчак, ҳақиқатан ҳам, китоб берилгани, фарзандлари 1-синфга борганда китобни мактаб кутубخонасига қайтариши тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекади. Ҳар бир ота-она фарзанди билан бир йил давомда қўлланмалар асосида шуғулланади. Юқоридики айтилганидек, фарзанди 1-синфга қабул

қилинганда, китобларни мактаб кутубхонасига қайтардилар. Мазкур рисола 5-6 ёшли фарзандлари мактабгача таълим муассасаларига қамраб олинмаган 436130 хондонга етказилиши кўзда тутилган.

— Китоблардан тўғри фойдаланиш бўйича ота-оналарга йўл-йўриқ кўрсатиш борасида қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?

— Бу масала бўйича ҳам муайян тартибда вазифалар белгиланган. Жумладан, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари методистлари, мактабгача таълим муассасалари педагоглари ўз ҳудудларидаги 5-6 ёшли фарзандлари мактабгача таълим муассасасига қамраб олинмаган оилаларга беш номдаги қўлланмалардан фойдаланиш юзасидан маслаҳатлар беришяпти. Маҳалла, туман (шаҳар) миқёсида мавзуга оид ўқув-семинарлар ташкил этилаётди. Жараёнда МТМ тарбиячилари ҳам фаол иштирок этиб, муассаса қошида ота-оналарга фарзандлари билан шуғулланиш бўйича амалий ёрдам ва кўрсатмалар беришмоқда. Мактабгача таълимнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилувчи тадбирлар ўтказилиб, уларга имкон қадар кўпроқ ота-оналарни жалб этиш, ташвиқот ишларининг савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Хайриддин МУРОД
ёзиб олди.



ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

Яшнобод туманидаги 149-умумтаълим мактаби яқинидаги 313-, 141-, 143-мактабгача таълим муассасаларига ҳудудда яшаётган болалар етарли даражада қамраб олинган. Аммо Бобур ва Навоий номидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи аксарият оилаларнинг фарзандлари МТМга бориш имкониятига эга эмас. Шунинг учун 149-умумтаълим мактабига 6—7 ёшли болалар учун қисқа муддатли ўқув гуруҳи ташкил этилган. Мактаб жамоаси МТМлар билан ҳамкорликда уй шaroитида тарбияланаётган 71 нафар 6-7 ёшли болаларни тураржой манзили бўйича аниқлаб, уларнинг ота-оналарига 5 номдаги қўлланмаларни тарқатишди.

— Муассасамизга яқин ҳудудда яшовчи 23 нафар боланинг ота-онасига ушбу қўлланмалардан тарқатдик. Оила бағрида тарбияланган боланинг ота-онаси учун бу қўлланмалар жуда асқотди. Услубчиларимиз ота-оналарга қўлланмадан фойдаланиш бўйича зарур tavsiyalar беришди. Мактаб, МТМ ва маҳалла фуқаролар йиғини ҳамкорлигида амалга оширилаётган бу тадбир фарзандларимизнинг таълим жараёнига фаол киришиб кетишига замин яратади, — дейди 143-МТМ мудираси Дилшода Юсупова.

Хулқар ТҮЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ортимиздаги барча таълим масканларида “Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари” ҳамда “Болажон” таянч дастури асосида нашр этилган беш номдаги рангли, суратли китоблар тақдими қизгин давом этаёпти. Шундай тадбирлардан бири Учтепа туманидаги 469-мактабгача таълим муассасасида ўтказилди.

Тумандаги ўттизта умумтаълим мактаби кутубхоналарига 10450 донга “Нутқ ўстириш, ўқиш ва саводга тайёрлик”, “Математик тасавурларни шакллантириш”, “Соғ танда — соғ-

моқчи бўлгандим, кутубхона ходимаси: “Қўлланмалар уйга берилмайди. Фарзандингиз билан фақат шу ерда — кутубхонада ўтириб фойдаланишингиз мумкин”, деди. Ўзим кун бўйи ишданман, турмуш ўртоғим уй юмушлари билан банд бўлса, ҳар куни фарзандим билан бу ерда қандай шуғулланар эканмиз, деб ўйлашиб турсам, мактаб директори келиб қолди. Сўхбатимиз мазмунидан хабардор бўлгач, китобларни олиб кетишим мумкин-

дик. Айни пайтда ёш ота-оналарни МТМларда ташкил этилган қисқа муддатли гуруҳларга жалб этиб, тарбиячилар ёрдамида қўлланмалардан фойдаланишни ўргатаймиз. Бу боралда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмаги қўл келаяпти. Маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари 5-6 ёшли фарзандлари мактабгача таълим муассасасига қамраб олинмаган оилалар аъзолари билан сўхбатлашиб, китобдан фойдаланиш тартиби

ҚИЗИҚАРЛИ
БЕШ КИТОБқаердан ва қай тартибда олиб
фойдаланилади?

лом ақл” қўлланмалари насрий ва шеърли асарлар тўпلامлари етказилган бўлиб, бундан ота-оналарни хабардор этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ёрдамида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ҳамкорлигида китоблар тақдими ўтказилиб, улардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари кўрсатилаёпти.

Бундай ташвиқот тадбирларида ота-оналар асосан қўлланмаларни олиш тартиби, тақдим этиладиган ҳужжатлар ва жараёнга тааллуқли бошқа масалалар юзасидан саволлар билан мурожаат этишмоқда.

— Қўлланмаларни олиш тартиби жуда оддий, — дейди пойтахтимиздаги 123-умумтаълим мактаби кутубхоначиси Маҳбуба Рашидова. — Бунинг учун ота-оналар ўз ҳудудларидаги таълим муассасалари кутубхонасига бориб, фуқаролик паспортлари ва 5-6 ёшли фарзандининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла фуқаролар йиғинидан яшаш жойи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар. Кейин фарзандлари билан бир йил давомда беш қўлланма асосида шуғулланишади. Кутубхонамизга беш номдаги қўлланмалардан 55 тўпلام берилган эди. Шу кунгача 20 нафар ота-она келиб, керакли ҳужжатларни тақдим этгач, китобларни олди.

Яқинда бир танишимиз фарзанди учун беш номдаги қўлланмаларни сўраб мактаб кутубхонасига мурожаат қилганини айтди: — Китобларни олиб кет-

лигини айтди. Ходимага қўлланмаларни олиш тартиби, китоблар асосан уйда фойдаланиш учун тақдим этилишини эслатгач, масала ҳал бўлди.

Дарҳақиқат, баъзи ҳолларда бу каби тушунмовчилик ҳолатлари ҳам учраб турибди. Фарзанди қўлланмаларга шикаст етказиб қўйишидан чўчиб, уларни олишдан бош тортаётган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Тўғри, бир йил давомда бола қўлланмаларга шикаст етказмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Бироқ бу жиҳатини ўйлаб, болани китобдек бой хазинадан бебаҳра қилиб бўлмайди. Бу ҳақда Учтепа тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Феруза Толипова шундай дейди:

— Халқимиз азалдан китобни эъзозлаб, мутолаа қилиб бўлгач, уни бола қўли етмайдиган, оёқ остига тушмайдиган жойга қўйган. Бу анъана ҳозир ҳам қўллаб юртдошларимиз хондонидан амалда. Бундан ташқари, оилاداги муҳит таъсирида 5-6 ёшли болада китобга муносабат, меҳр шаклланиб бўлиши лозим. Қўлланмадан фойдаланаётганда ота-оналар боласини ёнига ўтиргизиб: “Бу китоб — боланинг юзи. Унга чизмасдан, йиртмасдан ўқисанг, кўрганлар сени одобли, ақли бола экан дейишади. Китобларни укасингилларинг ҳам ўқиб, мактабга тайёрлишни керак”, деб тушунтирса, бола қуюқ солади. Баъзи тадбирларда ота-оналар фаол қатнашмаётганини, қизиқиши пастлигини кўриб, уларда, аввало, қўлланма ҳақидаги тасавурни шакллантириш керак, деган хулосага кел-

ҳақида етарли маълумот беришяптир.

Ота-оналар қўлланмаларнинг аҳамияти ҳақида сўзларкан, улар орқали фарзандлари қисқа вақтда муайян билим ва кўникмага эга бўлиб, дунёқараш янада кенгайганини алоҳида таъкидлашмоқда.

— Мактаб ёшига етмаган икки набирам бор. Қаерга бормай, уларга қизиқарли китоблар харид қиламан, — дейди Учтепа туманида истиқомат қилувчи пенсионер Наргиза Шамсиева. — Яқинда беш қўлланма келганини эшитиб, мактаб кутубхонасига бордим. Китоблар, чиндан ҳам, ўқинишга арзигulik, болаларнинг руҳий ва jismoniy rivojlanishiga mos ma'lumotlarga boy. Эртақ, ҳикоялар, шеърлар кичкинтойлар ёшига мос танланган. Ривожлантирувчи машқлари ҳам болаларга оғирлик қилмайди. Қўлланмаларни олиб келганимдан буён набираларим қизиқиб, қўлдан қўймай юришибди. Кўшниларимизга ҳам tavsiya қилаёяман. Шундай ажойиб китобни чоп эттирилганларга раҳмат, худди кўнглимиздагидек экан, дейишяпти улар ҳам.

Болаларнинг ўз дунёқарашига эга, тафаккури тегаран инсонлар бўлиб улғайишида ушбу қўлланмалар, шубҳасиз, энг яқин кўмакчидир. Савод чиқариш арасидаги кичкинтойларда ҳаётини кўникмаларни шакллантириб, билим олишга иштиёқни оширади. Бу жараёнда, табиийки, ота-оналарнинг фаол иштироки, фарзанди таълим-тарбиясига эътибори муҳим аҳамият касб этади.

Хайриддин МУРОД,
Гулноз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Таълим-тарбия жараёнининг такомиллашуви педагог ходимлар олдида янгидан янги вазифаларни кўйиб, масъулиятини янада оширади. Билдирилган ишончин оқлашда ўқитувчининг энг яқин кўмакчиси методист ҳисобланади. Шу ўринда савол туғилади: методист ким ва у қандай вазифаларни бажаради?

Методист ўқитувчиларни янгиликлар билан таништирувчи, замонавий ўқитиш методларини таълим жараёнига татбиқ этишда йўл-йўриқ кўрсатиб, ўқувчи билан ишлашни ўргатувчи, қисқача айтганда, педагогнинг иш

нинг назоратчи сифатида намоён бўлиши, муаллимнинг улардан чўчиши, муаммоларни бекитиши кузатилади.

Вилоятимиздаги мактабларнинг географик жиҳатдан тарқоқ жойлашуви туфайли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг чекка жойлардаги таълим муассасаси ўқитувчиларига тезкор етиб боришини таъминлаш, мазмун-моҳиятини тўлақонли тушунтириш муайян қийинчиликларни туғдиради. Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида Методик хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилгани маса-

қараб, исталган вақтда келиши, тажриба ўрганиши учун қўшимча қулайлик яратди.

Умумтаълим муассасалари ва мониторинг бўлимлари ҳамкорлигини мувофиқлаштиришда ҳам марказнинг ўрни катта. Чунки туман методика кабинети ва мониторинг бўлими ўтказган назорат натижалари шу ерда таҳлил этилади. Йўл кўйилган камчиликлар аниқлашиб, истиқболдаги вазифалар белгиланади. Баजारилган ишлар ва натижалар борасида ҳар бир ўқитувчининг фикрини эшитиш, муаммосини тингаш, бошқа ўқитувчилар билан ҳамкорликда масалага

ЛОЙИҲА ДАРСЛАРИ

интернетдан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради

Интернет ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб улгурди. Янгиликлардан бохабар бўлишда, турли мавзулар буйича тезкор маълумот ахтаришда кенг фойдаланамиз. Аммо кейинги пайтларда интернет оҳанрабои фарзандларимизни ўзига тобора ром этапти. Бугун кўча-кўйда қўлида телефон тугган, бутун диққати унга қадалган ёшларимизга кўзимиз тушади. Улар интернет мутасига айланиб қолмаяптими?

Бу ҳолатни кузатиб, ўз тажрибамга таянган ҳолда интернетдан самарали фойдаланиш бўйича ўқувчиларнинг кўникма ва малакасини шакллантириш учун лойиҳа дарсларини ўтишни йўлга қўйдим. Масалан, 8-синфда "Ободлик кўнгилдан бошланади" мавзусидаги дарсда ўқувчилар гуруҳларга бўлинадди. Уларга юртимизда олиб борилаётган ободончилик ишларини шеър, сурат, ўзи ясаган ва тўқиган, тиккан буюмлари орқали акс эттириш вазифаси топширилади. Ўғил-қизлар интернетдан фойдаланган ҳолда тақдирот тайёрлайди. Ишлар экспертлар томонидан баҳоланади.

Биринчи гуруҳ тақдимотини "Эзгу қалб эгаси эзуликларга қодир" дея номлаб, слайд кўринишида намойиш этди. Гуруҳ аъзолари интернет материаллари ёрдамида нафақат вилоятимизда, балки мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишларини ҳамда барча жаҳадаги ўзгариш ва янгилашларни тўла акс эттиришга интилади.

Иккинчи гуруҳнинг тақдимоти "Ким эдинг-у, ким бўлдинг?" деб номланган. Улар мавзунини видеоролик кўринишида намойиш этишди. Давлатимиз

тарихи, халқимиз бугунги дорилмон кунларга етгунга қадар бошидан ўтказган қийинчиликлар ҳақида аниқ маълумотлар тайёрлади. Энг қувонарлиси, улар хурлик, озодлик, фаровонлик сўзларининг маъно-моҳиятини чуқур англаган ҳолда тенгдошларини шундай юртнинг фарзанди эканлигидан фахрланиш, Ватаннинг қадрига етиб, доврфини дунёга ёйишга ҳам даъват этишди.

Учинчи гуруҳ иштирокчилари тақдимотини тасвирий санъат орқали намойиш этди. Мавзуга доир суратларда мамлакатимиздаги янгилашларни ифодалаб, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва улар эришаётган ютуқларни кўрсатишди.

Тўртинчи гуруҳ эса тамоман ўзгача ёндашув асосида тақдимот тайёрлади. Улар интернет хизматидан фойдаланмаган. Ўз фикрларини бадиий сўз санъати орқали баён этишга ҳаракат қилганлар. Бу билан сўзнинг қудрати, интернетнинг салбий томонларини ҳам очиб беришга интилишган.

Бундай усул, аввало, ўқувчиларда дўстона муносабатни, ҳамкорликда ишлаш, интернетдан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради. Шунингдек, фанларга доғликликни таъминлаб, ўқувчидаги билим ва иқтидорни ўзига чиқаради. Энг асосийси, ўқувчи ўзи учун нима фойдали, нима зарарлигини ажратиб олади. Хар бир янгиликдан ўз ўрнида фойдаланишни ўрганади.

Мухаррам КАМОЛОВА,
Жондор туманидаги
2-ИДУМИНИНГ МИЛЛИЙ
ИСТИҚЛОЛ ҒОСИ ВА
МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИ
ЎҚИТУВЧИСИ

«МЕТОДИК ЁРДАМНИ ҚАЕРДАН ОЛАСИЗ?»

Бу савол кўплаб педагогларни ўйлантиради

фаолиятидаги барча муаммоларни ҳал этишда бевосита кўмаклашувчи мутахассисдир.

Маълумки, бу тоифа мутахассислар бирор олий таълим муассасасида тайёрланмайди. Улар йиллар давомида таълим-тарбия жараёнида билими, тажрибаси билан танилган, камида беш йиллик иш стажига эга педагоглар орасидан танланади. Методист ўз соҳаси бўйича чуқур билим ва бой амалий тажрибига эга мутахассис бўлиб, зарур пайтда ўқитувчига методик кўмак бера олиши лозим. Бу орқали ўқитувчи таълим-тарбия самардорлигига халал бераётган масалаларга ечим топса, методист билим ва тажрибасини мунтазам ошириб, мустаҳкамлайди.

Баъзи ўқитувчилар "Методик хизматни қаердан оласиз?", "Методик жиҳатдан сизга ким ёрдам беради?" деган саволларга жавоб беришга қийналади. Демак, уларнинг ҳаммаси ҳам методистлар фаолияти бўйича тўлиқ тасавурга эга эмас. Ҳатто гоҳида методистлар-

нинг ижобий ечим топиб, педагогларнинг таълим муассасасидаги фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этапти. Жумладан, институт ўқитувчилари томонидан Юқори Чирчиқ туманидаги 3, 18, Чирчиқ шаҳридаги 5, 15, Паркент туманидаги 5, 9-мактабларда хорижий тилларнинг ўқитилиши ўрганилиб, зарур ҳолларда методик ёрдам берилди. Натижада таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифати ошди.

Мазкур йўналишдаги ишлар тажрибали, изланувчан, ижодкор ўқитувчилар билан ҳамкорликда олиб борилаётгани жараёнининг мазмунан бой, амалиёт билан узвий боғлиқлигини таъминлаётди. Марказда барча фанлар бўйича алоҳида ташкил этилган методбиллашмалар бир-бирининг тажрибасини ўрганиши, фанларга доғликлик масалаларида ўқитишнинг самарали усулларини амалиётга жорий этиши учун зарур шароитлар яратилган. Марказ жойларда мунтазам фаолият юритаётгани эса ўқитувчиларнинг ўз имкониятига

ечим топиш мумкин. Аниқ-қайнақ, ёш ўқитувчилар, методик ёрдамга муҳтож педагоглар марказга келиб, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, методик маҳсулотлар, илғор иш тажрибалари билан танишадилар.

Марказлар орқали ўқитувчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Педагоглар таассуротлари, олган янгиликлари, касбий маҳоратини шакллантиришда эришган натижалари билан ҳамкасбларини таништиради. Тузган янги иш режаси билан ўртоқлашади ва мунтазам ҳисобот бериб боради.

Педагоглар интиладиغان, фикр алмашадиган, қийналган пайтларида зарур маслаҳат оладиган бундай марказлар ўқитувчилар учун қулайлик яратиш, методистлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва узулсиз методик хизматнинг сифатли ташкил этилишига имконият яратди.

Мехринисо ЗОКИРОВА,
Тошкент вилояти ПҚКТМО
институтининг мониторинг
ва ички назорат бўлими
методисти



Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

ОҒЗАКИ НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ

Тошкент туризм коллежи педагогик жамоаси ўқувчиларни замонавий фикрлайдиган, хорижлик сайёҳлар билан бемалол сўзлаша оладиган, интеллектуал салоҳиятли ёшлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратдирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида коллежда муайян ишлар амалга оширилди. Чет тили хоналари замонавий ахборот технологиялари ва жиҳозлар билан таъминланди.

Коллежимизда ёш чет тили ўқитувчилари ҳам бор. Улар ахборот технологияларини пухта билади, компьютер билан бемалол тиллашади. Аммо тажрибаси камлиги боис ўқувчиларни дарсларга жалб этиш, чет тилини ўрганиш-

га қизиқиш уйғотиш учун қандай усулларни қўллаш кераклигини сўрайдилар. Уларга тажрибамдан келиб чиқиб, «Case study», «Кластер» каби интерфаол усулларни дарсда қўллаш қоидаларини ўргатаман. Ўз навбатида, ёш ҳамкасбларимдан замонавий технологияларнинг кенг имкониятларини ўрганиб бораман.

«Кластер» усулидан кенг фойдаланаман. Бу технология дарс мазмун-моҳиятини бир мақсад йўлида бирлаштиради, сўз ёки мавзуга оид тушунчаларни бир-биринга боғлайди. Натижада ўқувчилар фаоллиги ва ташаббускорлиги ошиб, сўз бойлиги ортади. Бугун чет тилларни ўқитишда асосий эътибор ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантиришга қаратилмоқда. Бу борада ҳам ушбу усулнинг аҳамияти катта.

Зиёда КУРБОНОВА,
Тошкент туризм касб-ҳунар
коллежи инглиз тили ўқитувчиси

2014-yil 17-dekabr, № 100 (8749)

СПОРТ — САЛОМАТЛИК, СПОРТ — ИЛМ

Спорт — саломатлик гаровидир. Кези келганда, ҳар қандай дори-дармон спорт билан ҳамдам бўлиб яшашнинг ўрнини босолмайди. Айни пайтда, жисмоний маданият илми, кўникмасига эга бўлмай туриб, спортнинг мўъжизаларидан баҳраманд бўлиш мушкул. Бу ўринда эса жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, мураббийларнинг билими, маҳорати, тажрибаси муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти шу маънода юртимиз шаъни, шарафини жаҳон ареналарида муносиб ҳимоя қиладиган моҳир спортчилар ва ўғил-қизларимизга спортнинг энг нозик қирраларигача аниқлаб, ўргатадиган мураббийларни етиштирувчи даргоҳлардандир. Биз ушбу муассасада бўлиб, таълим бериш жараёнидаги янгиликлар, илмий ва амалий изланишлар билан танишдик. Мутахассисларнинг мураббийлар эътибор қаратиши лозим бўлган долзарб масалалар хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қоғозга туширдик.

Тўрт босқич орасидаги масофа жуда тез босиб ўтилмаяптими?

«Миллий ва халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти» кафедраси мудири, юнон-рум кураши бўйича спорт устаси Нуржан Тастановнинг талабалар даври, педагогик фаолиятининг илк йиллари ҳам шу илм масканида ўтган. Унинг фикрича, маҳоратли мураббий моҳир спортчи бўлиши мумкин, аммо катта чўққиларни забт этган чемпионларнинг ҳаммаси ҳам мураббий сифатида тан олинмаётган.

— «Билаги зўр бериши, билими зўр мингги ййкар» деган нақл бевосита спортга ҳам дахлдор. Негаки, спортчи жисмоний, аввало етуқлик сари интилар экан, албатта ўз устида ишлашнинг илмий асослари мукамал эгаллаши зарур, — дея сўз бошлади Ихтиёр Наврўзов, Холдор Ҳафизов, Дилмурод Рўзиёев каби «кураги ерга тегмас» кўрашчиларнинг камолга етишига катта ҳисса қўшган устоз. — Мен ушбу масканида ўтган асрнинг саксонинчи йиллари таҳсил олганман. Дарсда «лектор» нутқ сўзлар, улгурчунинг гапларини эътибор олар, кўпчилик мудраб ўтирарди. Бугун эса таълим бериш жараёнилари мутлақо ўзгариб кетди. Аудиторияга кираётган ҳар бир ўқитувчи мавзуларни ёритиб берувчи слайдлар, видеороликларсиз дарс ўтмайди. Бугунги кун талаби шундай. Назарий ёки амалий машғулотларни олиб борар эканмиз, аввало, талабаларни ҳар томонлама ўрганишимиз: жисмоний имкониятлари қандай? Харакатлари теъми, сус? Бўйи баландми, паст... Чунки такомиллаштирилган услублар билим бериш баробарида ана шу жиҳатларни инобатга олиш, қобилиятларни ўстириш, яширин имкониятларни кашф этишнинг йўригини ҳам кўрсатади. Ўргатилаётган илм талабанинг ривожланиш хусусиятларига зинҳор зарар етказмаслиги, организмга акс таъсир этмаслиги шарт!

Мураббийнинг видеопроектор экранидан бирин-кетин жойлаштирилган ҳолат ва харакатларни изоҳлашча, машғулотлар олиб боришда болаларга нималардан бошлаб ўргатиш, тўрт асосий: базавий тайёргарлик, мутахассисликни чуқур ўрганиш, спортни такомиллаштириш ва олий спорт маҳорати босқичларини ўз мuddати ва талаблари тўлиқ адо этилган ҳолда босиб ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу

давр 12-13 йилни ташкил этгани мақсадга мувофиқ. Таҳлилларга кўра, баъзи спортчилар ўсмирлик ва ёшлик даврида катта-катта муваффақиятларни қўлга киритади-ю, кези келиб катталар ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этганида катта натижа кўрсата олмайди. Бу каби ҳолатлар сабаби ўрганилганда айрим мураббийлар базавий тайёргарликка етарли эътибор қаратмай, мутахассисликни чуқур ўрганиш босқичини тез-тез ўтказиб, спортни такомиллаштиришга куч берганча натижаларни

намоён этгани кейинчалик спортчидаги захира куч ва хоҳишнинг сўнишига олиб келгани ойдинлашди. Шундай экан, бўлажак мураббийларга ҳар бир машғулотнинг мақсад ва вазифалари тўлиғича ечим топишига эришиш маҳоратини ўргатиш зарур. Педагогик технологиялардан ўринли ва тўғри фойдаланиб, машғулотларни турлича, қизиқарли ташкил этиш, мақсад ва вазифа бир хилу, ёндашув турлича бўлишини таъминлаш зарур...

Дарвоқе, бугун мазкур институтнинг «Спорт ўйинлари», «Яккакураш спорт турлари», «Кўпкураш спорт турлари», «Гимнастика ва спорт психологияси», «Футбол» факультетларида 4305 нафар талаба таҳсил олаётган бўлса, улар 18та кафедрага жалб этилиб, аввало, танлаган йўналишларининг нозик қирраларини ҳижжалаб ўрганишларига имконият яратилмоқда.

— Мураббий янгиликлардан воқиф бўлиб бориши, ўтказилаётган мусобақаларни кузатиб, ютуқ ва камчиликлари сабабини шогирдлари даврасида таҳлил қилиши, яратилаётган илмий-услубий манбаларни ўқиши зарур, — дейди суҳбатимиз сўнгида Н. Тастанов. — Афсуски, тақдим этилган бундай материалларни баъзи иштирокчилар шунчаки варақлаб кўришади, холос. Бундай лоқайдликлар билан улар нафақат ўзларининг, балки ўнлаб шогирдларининг замондан ортда қолишига сабаб бўлишлари мумкин.

Бола нега спортни тарк этади?

Институтда Аббос Махситалиев, Нафиса Мўминовадек «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиблари, Улуғбек Алимов, Замира Санакүлова сингари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчилар, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини қўлга киритган Игорь Сергеев, Абу


Али ибн Сино номидаги давлат стипендияси совриндори Шохрух Эркинов каби иқтидорли талабалар таҳсил олишади. Айни пайтда улар забт этаётган марраларга тенглашиш йўларини таҳлил этиш ёш олимлар учун янги-янги мавзулар доирасини кенгайтириш баробарида талабаларга маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

— Талабаларимиз орасида кўплаб жаҳон ва Осиё чемпионлари бор, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, педагогика фанлари доктори, профессор Рустам Холмуҳаммедов. — Улар эришаётган натижалар мониторинг қилиб борилиб, шу аснода илмий хулосалар чиқарилади. Барча спорт турлари бўйича федерациялар билан шартнома имзоланиб, инновацион гуруҳлар тузилган. Назарий ва амалий машғулотларнинг янги восита ва усулларини ишлаб чиқиш, меъёрий юктамаларни белгилаш, спортчиларнинг махсус иш қобилиятларини ўлчаш приборлари, машқларнинг қанчалик жадаллигини қайд этиб борадиган мосламалар яратиш каби долзарб мавзулар бугун ёш олимларимизнинг диққат-эътиборида.

— Юқори малакали боксчиларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини аниқлашга мўлжалланган биз яратган мослама мусобақалар олдидадан жамоа аъзоларининг эшитиш реакцияси, зарба кучи, ҳимояланиш теълиги сингари барча кўрсаткичларини компьютерда намоён этади, — дея суҳбатимизга қўшилади ёш олим Сойиб Тожибоев. — Ушбу натижалар асосида спортчининг ўз имконият ва камчиликларини идрок этган ҳолда йўл тутишига ёрдам бериш мумкин, бу ғалабага эришишда муҳим ўрин тутди.

Айни кунда «Ёш курашчиларнинг интеграл тайёргарлигида харакатли ўйинларни қўллашнинг илмий-методик асослари» мавзусидаги докторлик иши устида изланишлар олиб бораётган. Барча спорт турларининг бошланғич босқичида харакатли ўйинлар самарали натижа беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатаптики, харакатли ўйинларнинг меъёрлари ҳозиргача тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунингдек, спортни ривожлантиришдаги аҳамияти, боланинг жисмоний машқларга қизиқишини оширишдаги роли асослаб берилмаган. Биз масаланинг ана шу жиҳатларини ҳам инобатга олишга харакат қилаёلمиз.

Рустам Холмуҳаммедовнинг таъкидлашича, болани ўзи қизиққан спорт турига яқин харакатли ўйинлар, хилма-хил машғулотлар билан бошланғич тайёргарликлар жараёнига олиб кириш уни жисмоний машқлардан тез зада бўлиб қолиш,



безиш каби ҳолатлардан ҳимоя қилади. Ёш хусусиятлари ҳисобга олинмасдан, юктамалар меъёрида берилмаслиги ҳам мураббийлар томонидан йўл қўйиладиган катта хатолар сирасига қиради. Таҳлиллар айрим пайтларда дастлаб гуруҳларга 30 нафар бола жалб этилган бўлса, йил ўтар-ўтмай уларнинг сони кескин камайиб кетишини кўрсатмоқда. Бунинг сабаби ўрганилганда, ўттиз фоиз ҳолатда машғулотларнинг маълум қолипларда, қизиқарли ташкил этилмаётгани аён бўлади. Шунингдек, боланинг яқинлари қистови билан бу оламга қадам ташлагани, спорт турлари ҳақида тўлиқ тушунча ва тасаввурнинг йўқлиги ҳам айрим шугулланувчиларнинг сафдан тез чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

— Баъзи ота-оналар, масалан, фарзандининг бокс билан шугулланишига қаршилик қилишади, — дея фикрларини изоҳлайди домла. — Уларнинг наздида спортнинг бу тури билан машғул бўлиш зарбалар тўғрисида келажақда инсоннинг турли хасталикларга дучор бўлишига олиб келади. Аммо яхшилиб ўйлаб кўрсак, барча спорт турларида ҳам шугулланувчи жароҳат олиш эҳтимолдан холи эмас. Яна бир гап, бокс шахсни мушт туширишга эмас, балки зийрак ва хушёр туриб, зарбалардан ҳимояланишга ўргатадиган ўзига хос бир спорт тури. Бундан мантиқий хулосалар ҳам чиқариш мумкин. Ёки енгил атлетика деганда айримлар фақат югуриб юришни тушунади. Сузишни кулоқ орғининг манбаи санавучилар ҳам йўқ эмас... Демакки, биз олимлар олдида спорт турлари ҳақида аҳолига оммабол тилда атрофлича маълумот берувчи адабиётлар яратиш вазифаси ҳам турибди.

Ҳа, спорт — саломатлик калити, айни пайтда тинимсиз изланиш ва ўқишни талаб этувчи илм ҳамдир. Шугулланувчи фақат қизиқиш ва қобилиятигагина таяниб, спортнинг тактик, техник, психологик омилларига оид билимларни эгалламай туриб, қўзлаган натижаларини қўлга киритиши мушкул. Бу ўринда эса мураббийларнинг устозлик салоҳияти, маҳорати аққол намоён бўлади. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидаги таълим-тарбия жараёни бугун, жумладан, ана шу талаблар нуктаи назаридан ташкил этилмоқда.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Тил — ижтимоий ҳодиса. У замон билан ҳамнафас тараққий топиб боради. Янгилаштириш жараёналари, энг аввало, тилнинг луғат таркибида акс этади. Зотан, фан ва технологиянинг ривожланиши тилларга янги-янги тушунчаларни олиб киради. Негаки, техника тараққиёти натижасида яратилган кашфиётлар кўпчи мамлакатда кириб бормасин, шу тилда ўз номини ҳам оммалаштиради. Шу нуқтаи назардан, ўзбек адабий тилининг тарихий тараққиёт даврига назар ташланса, қадим туркий тилдаги кирпич, қара таш — қарандаш, товар, ўтук — утюк, Аҳмад Фарғоний — ал Фарғануи (Европада) сингари кўплаб сўзлар ва буюк болаларимиз исмлари бошқа тилларга ўзлашгани каби ўзга халқлар тилларидан ҳам бир қанча сўз ва сўзашқларнинг луғатимиздан муқим жой олгани табиий.

Ўзлашма сўзлар уни ўзлаштирган тилнинг қонун-қоидаларига мослашди, шу тилга сингиб кетади. Акс ҳолда, у тўлиқ ўзлашмаган ҳисобланиб, шу тилнинг луғатида «беғона»лиги, «ўзга»лиги сезилиб туради. Ўзбек тили луғат таркибидagi ўзлашма сўзлар сўзлашув тили орқали ҳам, адабий тил орқали ҳам ўзлашган бўлиши мумкин. Тилнинг тарихий тараққиёти натижасида сўзларнинг муайян қисми ўз ўрнини бошқа янги сўзларга бўшатиб беради, яъни архаик ёки тарихий сўзга айланади. Тилдаги бу ҳолат, яъни ўзлашма сўзлар кириб келишининг ижобий ва салбий томонлари ҳам бор, албатта. Ижобий жиҳати тил луғат таркибининг бойиши бўлса (поезд, вагон, вокзал, почта, телеграф, завод, фабрика ва ҳоказо), салбий жиҳати — асл туркий сўзларнинг истемолдан чиқиб кетишидир (дазмол ўрнига ўтук, хома ёки чиг ўрнига ручка (ёзув қуроли маъносиди) каби). Кўринадики, халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, икти-содий-маданий алоқалар тилга турлича таъсир қилар экан.

Азал-азалдан ўзбек халқининг асл жонқуяр намояндалари тил, жумладан, она тили масаласига алоҳида эътибор билин қараганлар. Бунга Алишер Навоийнинг туркий тилнинг ифода имкониятлари бойлигини кўрсатиб бериш мақсадида олиб борган саъй-ҳаракатлари, хусусан, «Муҳокамаат ул-луғатайн» асарини яратгани ёрқин далилдир. Агар XV асрда Алишер Навоий туркий тилнинг ифода имкониятлари бениҳоя кенглигини ўз ичода орқали кўрсатиб бера олган бўлса, бу тилнинг қонуний муҳофазаси фақат XX асрнинг охирида, яъни юртимиз ўз миллий мустақиллигини қўлга киритиши арафасида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан яна бир бор икки поғонага кўтарилди. Ёдга олиш жоизки, истиқлолга қадам солиб Иттифоқнинг биреклама сиёсати даврида ўзбек тилининг луғат таркиби рўсча сўзлар учун ланг очиб қўйилган эди. Биз бундай сўзларни она тилимизга тўғридан-тўғри, бутун фонетик (нутқ товуши), орфографик (тўғри ёзув) ва орфоэпик (тўғри талаффуз) хусусиятлари билан бирга қабул қилишга мажбур эдик. Энг афсусланарлиси, минг-мингйиллик тамаддунга эга тубжой аҳолини, ўша давр ибораси билан айтганда, «саовдди қилиш» мақсадида ўзбекча сўз ва истилоҳларни ёппа-сига интернационал (байналмилал) сўзлар билан алмаштириш урф бўлди. Бунга эса ижобий масала, тараққиёт омили деб ҳам қаралди. Аслида, мустабид тузумнинг мазкур сиёсати замирида она тилимиз миллий табиатини йўқотиши, халқимизни ўз-лигидан маҳрум этишдек мудҳиш гараз бор эди, десак, янглишмаган бўламиз.

Яна бир жиҳат: бу даврда хорижий тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам, асосан, рус тили орқали ўзлашгани боис барчасида шу тилнинг фонетик, орфографик, орфоэпик ва грамматик хусусиятлари сунъий равишда сақлаб қолинди. Оқибатда ўзбек тилининг луғат таркибига турли соҳаларга оид бир қанча сўзлар ўзлаштирилди: конференция, трактор, машина, доктор,

газета ва ҳоказо. Мазкур ўзлашмаларнинг грамматик табиатига диққат қилинса, уларнинг аксарияти от ва қисман сифат туркумига мансуб эканлиги аён бўлади. 1989 йил 21 октябрда, ҳали юртимиз ва халқимиз мустақил бўлмаган бир шароитда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва халқимиз хоҳиш-иродаси асосида «Давлат тили ҳақида» қонун қабул қилинди. Унда «Давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлайди, шу жумладан, уни ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлайди. Янги илмий асосланган атамалар жамоатчилик муҳокамасидан кейин ва Олий

ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛАФФУЗИ

Мажлис палаталари тегишли кўмиталарининг розилиги билан ўзбек тилига жорий этилади», дейилган.

Шундан буён ўтган давр давомида жуда кўп сўз ва истилоҳлар тилимизнинг ўзига хос табиатидан келиб чиқиб янгилашмоқда, шўролар тузumi даврида «эскирган» дея унутилган девон, маҳкама, вазир, вазирлик, котиб, муҳандис, дастур, вилоят, туман каби кўплаб сўзлар қайтадан тикланиб, кенг қўлланмоқда.

Тилшуносларнинг маълум қилишларича, ўзбек тилининг янги изоҳли луғатини яратишда шўро мафқурасини ақс эттирувчи сўз ва иллюстратив материаллардан «тозалаш» зарурати билан (зеро, луғатни мафқураддан холи этиш ушбу нашрнинг асосий мақсадларидан бири эди) ундан кўплаб луғат мақолалари ва улarga берилган мисоллар чиқарилди, уларнинг ўрнига сўнгги йиллари ижтимоий-сиёсий, иктисодий, маданий соҳаларда пайдо бўлган янги тушунчаларни номловчи, луғатлардан барқарор ўрин олган тил бирликлари киритилди; мавжуд сўз ва атамалар янги маънолар билан бойитилди. Қолаверса, ҳозирги ўзбек тилида муқобили бўла туриб ўринсиз қўлланиб келинаётгани бир қанча рўсча ва бошқа байналмилал сўзлар мамлакатимиздаги ҳозирги тил сиёсати талаблари, тил амалиётидан келиб чиққан ҳолда, ўзбек тилида аввалдан мавжуд бўлган, ўзбек адабий тили имлоси ва талаффузи меъёрларига мос тил бирликлари билан алмаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, қайта тикланган сўзларнинг янги маънолар касб этишига ҳам олиб келди.

Албатта, мазкур соҳадаги ҳар бир одим, энг аввало, халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини тиклаш, унинг ўз муносиб ўрнини топиши, жамоатчилик олдида қадрланишини таъминлашга хизмат қилмаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бироқ бу борадаги қилинишни зарур бўлган ишлар хали талайгина. Жумладан, кўп

ҳолларда рус тили орқали тилимизга кириб келган сўзларнинг орфографияси (тўғри ёзув) ва орфоэпияси (тўғри талаффуз)да бир қанча муаммолар кўзга ташланиб қолмоқда. Ўзлашма сўзларнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, тил қонуниятига кўра, бир тилдан бошқа тилга ўтаётган сўз ўзлаштираётган тилнинг қонун-қоидаларига, жумладан, имло ва талаффуз қоидаларига тўлиқ мослашиб кетсагина ўзлашган сўз ҳисобланади. Аммо собиқ мустабид тузумнинг тил сиёсати кўра, рус тили орқали ўзбек тилига ўзлашган сўзлар гайриилмий тарзда бўлса-да, шу тилнинг қонун-қоидаларига асосан ёзилар ва орфоэпик меъёрлари асосида талаффуз қилинади. Чунки ўша даврда мустабид тузум мафқурасига камарбаста шундай қоида бор эди: ҳар қандай рус тилидан ўзлашган сўзлар, илмийликка зид бўлса ҳам, рус орфографияси ва орфоэпияси қоидаларига асосан ёзма ҳамда оғзаки нутққа ўша тилда қандай бўлса, шу шакл ва товушда қатъий этилиши шарт эди.

Минг шукри, бугун юртимиз тинч, обод, Ватанимиз мустақил, озод. Олдимизда ҳеч қандай гайриилмий чек-

қонун-қоидаларига кўра талаффуз этишларини ёки *Russia* сўзини *Rashe(r)pa*) тарзда ифодаланиши келтириб ўтиш жоиз.

Таассуфки, бугун телевидение ва радиога ҳам айрим журналистларимиз нутқиди рус тилидан ўзлашган байналмилал сўзларни ўзбек тили қоидаларига зид равишда истифода этишдек салбий ҳолатлар кўплаб учрамоқда. Улар бунинг хато эканини билиб-билмаган ҳолда, баъзида «маданиятлик» белгиси деб ҳам тунгаётганликлари гоят ачинарли. Ана энди бир ўйлаб кўрайлик. Бу кўрсатувни ёки эштитиришни томоша қилётган ёки тинглаётган мухлислар, айниқса, ўқувчи-ёшлар география ёки тарих дарслигида ўқиган Япония давлатини теле- ёки радиожурналист талаффузида ифодаланганидек Йиппо тарзида айтиши ёки юқоридагидек, *фонарни — фанарь, демократияни — димакратия, конституцияни — канституция, конференцияни — канфиренция, октябрь, ноябрь ойларини октябр, — ноябрь* тарзида ифодалашга интилиши, энг ёмони, шундай ёзиш керак экан-да, деган тушунчага бориб қолишлари ҳам ҳеч гап эмас. Бинобарин, ОАВ ходимлари халқ наз-

дида ҳамма янгилик ва ахборотдан энг биринчи боҳабар бўладиган, барчага тўғри етказадиган мутахассислар ҳисобланади.

Талаффуз борасидаги яна баъзи мулоҳазаларни ҳам билдириб ўтаимиз. Масалан, японларнинг ўзлари «Тоюта» автомашинасини сўзда «о» товушларини «а» тарзида эмас, «о» тарзида талаффуз қилади ва ёзади, яъни «тойота». Бизнингча ҳам, у ўзбек тилида рус тилидагидек «таййота» деб эмас, асл ўзбек тили талаффуз қоидалари асосида ифодаланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда она тилимизда мос келувчи муқобили бўла туриб, *нонушта, тушлик, кечлик* каби нутқда кўп қўлланиладиган кундалик сўзларнинг ўрнига катталар, ҳатто ёш болаларимиз *завтрк* (завтрак), *абит* (обед), *ужн* (ужин) каби сўзларни нутқда ишлатиб, уларни ҳар қандай тил қоидаларига зид равишда қўлашни одатга айлантираётганида ҳам юқоридаги каби нотўғри шаклланган тушунчалар сабаб, десак хато қилмаймиз. Холбуки, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да келтирилганидек: «кечлик — кечки овқат. Улар масжиддан шомни ўқиб киргач, ичкаридан Ойбодок кечлик олиб чиқди (А.Қодирий, Ўткан кунлар). *Меҳри ола кечликка барвақт унади* (Р.Файзий, Шоҳи дарпарда) каби изоҳларни ўқиб, тилимизнинг бойлиги ва мазмундорлигига яна бир бор икром бўлиш мумкин.

Бирор хорижий тилга хос сўзни ўзбек тилидаги муқобилига алмаштиришда ҳам гоят эҳтиёткорлик лозим. Негаки, баъзан муқобил сўз ўзлашма сўз маъносини тўлалигича бера олмаслиги мумкин. Масалан, принцип сўзининг тамойилга алмаштирилиши у қадар муваффақиятли чикмаган. Зеро, тамойил сўзи аслида тенденция маъносига тенг. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларида принцип сўзи қолдирилди. Қандай қилиб принцип, принцип-

Millat mulki

ли, принципсиз сўзларини тамойил сўзи орқали ифодалаб бўлади? Гап ўзбек тилида мазкур тушунчани айнан ифодалай оладиган бирлик йўлигиди эмас. Унинг мутаносиби бор. Масалан, принцип сўзи ўрнида тутум (туттим) сўзини ишлатиш мумкин. Зеро, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да («Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Шарийети», 2008) мазкур сўзга қўйиладиган изоҳ берилган: *Тутум. Иш тутиш йўсини.*

Тилшуносликда тилнинг система эканлиги XIX асрдаёқ исботланган. Системалилик қонуниятига кўра, мавжуд ҳар қандай система ичиди унга ёт бўлган бошқа бир система фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Чунки система ўз қонуниятига эга узлуксиз жараён. Шу нуқтаи назардан, тилнинг ўз системаси табиатига кўра, ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўз она тилимизнинг қонуниятларига мослашиши шарт. Бунинг учун қанча қадар она тилимизга ўзлашган араб ва форс тилларидаги сўзларнинг туркий тил қоидаларига мослашиб кетганида ҳам кўриш мумкин. Масалан, *нон, мактаб, қалам, табиб, дафтар* каби сўзлар ўзбек тили имлоси ва талаффуз қоидаларига тўлиқ бўйсунган.

Араб тилидан ўзбек тилига баъзи грамматик қўшимчалар, жумладан, *-ий, -вий, -от, -ият, -ан* кабилар ҳам ўзбек тили сўзлари таркибиди ўзлашган: *амалий, маданий, оммавий, илмий, ижтимоий, хайвонот, қобилият, шахсан*, хусусан. Масалан, *-ий* қўшимчасининг тилимизга ўзлашиб кетганининг яна бир исботи шуки, рус тили орқали ўзлашган баъзи байналмилал сўзлар таркибига қўшилиб, сифат ясаш учун хизмат қилади: *техникавий, конституциявий.*

Глобаллашув асри деб ном олган XXI асрда, ҳаёт суръатлари бениҳоя тезлашган даврда, вақтни тежашнинг катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас. Рус тилидан ўзлашган байналмилал сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобили масаласидаги мулоҳазаларга эътибор қилиш лозим. Бизнингча ҳам, у ўзбек тилида рус тилидагидек «таййота» деб эмас, асл ўзбек тили талаффуз қоидалари асосида ифодаланиши лозим.

Жамият қанчалик ривожланиб борса, тилга онгли равишда муносабати ҳам кучайиб боради. Чунки тил кишилар орасидаги алоқа воситаси бўлиши билан бирга, ҳар бир инсон, халқнинг тафаккур тарзини ҳам намоян этиди. Адабий тил эса грамматик қурилиши ва луғат таркиби жиҳатидан меъёрга келтирилгандир. Адабий тил сўзларни қонуний равишда бир хилда ишлатишни, услубда сўз маъносидан тўғри фойдаланишни ҳамда жумлани грамматик тўғри тузишни талаб қилади. Бундан ташқари, сўзларни орфоэпик меъёр асосида талаффуз этишни ҳам тақозо қилади. Тилнинг яратувчиси ҳам, тарқатувчиси ҳам халқ экан, адабий тилни умумхалқ мулки дейиш мумкин. Шу маънода адабий тил меъёри халқлик, замонавий бўлиш билан бирга, тилнинг тараққиётини ҳам ақс эттириши керак. Зеро, меъёр тилнинг ижтимоий вазифа бажаришидаги асосий шартини бўлиб, унга амал қилиш, шу тилда сўзловчи ва ёзувчилар учун мажбурийдир.

Бахтиёр Дониёров,
филология фанлари номзоди,
доцент

MASALANI TURLI USULLARDA YECHISH

o'quvchilarning iqtidori va salohiyatini yuksaltiradi

Sinab ko'ring

Bugungi kun o'qituvchisi chuqur bilimga va yuksak pedagogik mahoratga ega bo'lishi hamda masalalarni turli usullarda yecha olishi lozim. Shundaygina uning o'quvchilari zukko va bilimdon shogirdga aylana oladi. Bunga erishish uchun quyidagilarga rioya etish lozim. O'quvchiga mavzuni yoki masala yechishni oddiy qilib tushuntirish kerak, murakkab usul tanlansa, tushunmovchilik yuzaga keladi. Bir mavzuni o'zlashtirmagan o'quvchiga keyingilari qiyin tuyulaveradi. Bu holat takrorlanib, natijada o'quvchining tushunchalarni o'zlashtirishga ishtiyoqi so'nib boraveradi. O'qituvchi murakkab masalani oddiy va bir necha usulda yechib tushuntirsa, o'quvchilarning masala yechishga intilishlarini kuzatib, ularni ruhan qo'llab-quvvatlasa, o'quvchining fanni o'rganishga bo'lgan qiziqishi yanada ortadi va mavzularni o'rganishi osonlashadi. O'quvchi masalani turli usullarda yechgandan so'ng uning yechimi birgalikda tahlil etiladi. Bunda o'quvchilarning o'zaro fikr

qiziqishini orttiradi, uning iste'dodi va iqtidori ochilishiga sabab bo'ladi.

Ta'kidlash joizki, 20ta masalani bir xil usulda yechgandan ko'ra bitta masalani 20 xil usulda yechgan ma'qulroq. Ana shunda qiyinchilik darajasi yuqori bo'lgan test oson testga aylanadi. Test savollari va murakkab masalalarni yechishni o'rganish fanni o'zlashtirishning asosiy mezonidir. Masala yechishda o'quvchilar tabiiat, texnika va turmushning turli fizik hodisalari to'g'risida yanada chuqurroq bilimga ega bo'ladi. Yuqorida qayd etilganidek, masala yechish uchun o'quvchidan puxta bilim, malaka va ko'nikma, maxsus tayyorgarlik talab qilinadi. O'quvchilarning masalalarni turli yo'llar bilan yechishni mashq qilish jarayonida bilimlaridagi kamchiliklarni aniqlab, ularni tuzatishga harakat qiladi. Bunday yondashuv o'quvchilarning bilimini chuqurlashtiradi, ularning mantiqiy fikrlash qobiliyati, mustaqil xulosalar chiqara olish salohiyatini yuksaltiradi.

Quyida o'quvchilarga oliy o'quv yurtlariga kirish test sinovlariga tavsiya etilgan «Erkin tushish» mavzusiga oid ikki masalaning turli xil usullarda ishlaniishi va yechimini keltiramiz: 1. Erkin tushayotgan jism oxirgi 2 sekundda 160 m masofani o'tgan bo'lsa, u qancha vaqtda tushgan? A) 3 s B) 6 s D) 9 s E) 12 s

Berilgan: Yechilishi:
 $\Delta t = 2 \text{ s}$
 $\Delta h = 160 \text{ m}$
 $t = ?$

I usul. Jism boshlang'ich tezliksiz t vaqtda h balandlikdan tushayotgan bo'lsin:

$$h = \frac{g t^2}{2} \quad (1) \quad t - \Delta t \text{ vaqt ichida jism bosib o'tgan}$$

$$\text{Bundan } t \text{ ni topamiz: } t = \frac{\Delta t}{2} + \frac{\Delta h}{g \Delta t} = \frac{2}{2} + \frac{160}{10 \cdot 2} = 9 \text{ s}$$

Javob: D) 9 s

II usul. Masofada $v_1 = g(t - \Delta t)$ boshlang'ich tezlik bo'lsin:

$$\Delta h = v_1 \Delta t + \frac{g \Delta t^2}{2} \quad \Delta h = g(t - \Delta t) \Delta t + \frac{g \Delta t^2}{2}$$

Bu tenglamani t ga nisbatan yechib

$$t = \frac{\Delta t}{2} + \frac{\Delta h}{g \Delta t} \text{ ekanligini aniqlaymiz. Masala shartida}$$

berilganlarni o'rni qo'yib,

$$t = 9 \text{ s ekanligini topamiz.}$$

III usul. Jism h balandlikdan erkin tushayotganda Δh masofani Δt vaqtda bosib o'tadi. Notekis harakatda o'rtaacha tezlik $\bar{v} = \frac{v_1 + v_2}{2}$ bundan quyidagi kelib chiqadi: $\frac{\Delta h}{\Delta t} = \frac{v_1 + v_2}{2}$; Jism Δh balandlikdan Δt vaqtda erkin tushganda uning tezligi $v_2 = v_1 + g \cdot \Delta t$ ga teng bo'ladi.

$$\left\{ \begin{aligned} v_1 + v_2 &= \frac{2 \Delta h}{\Delta t} \\ v_2 - v_1 &= g \cdot \Delta t \end{aligned} \right. \text{ Bu tenglamalar sistemasini yechib } v_2 = \frac{\Delta h}{\Delta t} + \frac{g \Delta t}{2}$$

$$v_2 = g \cdot t \text{ ekanligini hisobga olgan holda jismning tushish vaqtini topamiz. } t = \frac{\Delta t}{2} + \frac{\Delta h}{g \Delta t}; t = 9 \text{ s}$$

IV usul. $\Delta h = \frac{v_2^2 - v_1^2}{2g} \quad (1)$

Δh masofada boshlang'ich tezlik (v_1) va oxirgi tezlik (v_2) quyidagiga teng:

$$v_1 = g(t - \Delta t) \quad (2) \quad v_2 = gt \quad (3) \quad \text{va } (3) \text{ larni } (1) \text{ ga qo'yamiz.}$$

$$\Delta h = \frac{(gt)^2 - (g(t - \Delta t))^2}{2g} \text{ bundan } t = 9 \text{ s. ga tengligini topamiz.}$$

V usul. 1-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_1 = 5 \text{ m}$, 2-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_2 = 3h_1 = 15$, 3-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_3 = 5h_1 = 25 \text{ m}$, 4-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_4 = 7h_1 = 35 \text{ m}$,

8-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_8 = 15h_1 = 75 \text{ m}$, 9-sekundda bosib o'tilgan yo'l $h_9 = 17h_1 = 85 \text{ m}$.

Oxirgi ikki sekundda, ya'ni jism faqat 8- va 9-sekundlarda bosib o'tgan yo'llar yig'indisi $h_8 + h_9 = 75 + 85 = 160 \text{ m}$ ga teng bo'ladi. Demak, jismning tushish balandligi $h = h_1 + h_2 + \dots + h_8 + h_9 = 5 + 15 + \dots + 75 + 85 = 405 \text{ m}$. ga teng, u holda $t = \sqrt{\frac{2h}{g}} = 9 \text{ s}$

VI usul. Masalani grafik usulda yechamiz. ($t - \Delta t$) vaqtda bosib o'tilgan yo'l tezlikning vaqtga bog'liqlig grafikiga ko'ra trapetsiyaning yuziga teng.

$$\Delta h = \frac{v_1 + v_2}{2} \cdot \Delta t \quad (1)$$

($t - \Delta t$) vaqtdagi jismning tezligi $v_1 = g \cdot (t - \Delta t)$ (2)

Jism h masofani t vaqtda bosib o'tgandagi tezligi $v_2 = gt \quad (3)$

$$(2) \text{ va } (3) \text{ larni birga keltirib qo'yamiz: } \Delta h = \frac{g(t - \Delta t) + gt}{2} \cdot \Delta t;$$

$$\text{Bu ifodadan } t \text{ ni topamiz: } t = \frac{\Delta t}{2} + \frac{\Delta h}{g \Delta t} + \frac{160}{10 \cdot 2} = 9 \text{ s}$$

Javob: D) $t = 9 \text{ s}$.

2. Yuk 54 m balandlikdan tushmoqda. Shu balandlikni shunday uch qismga bo'lish kerakki, bunda har bir qismni o'tish uchun bir xil vaqt kerak bo'lsin.

A) 18m, 18m, 18m B) 6m, 20m, 28m, D) 6m, 18m, 30m, E) 8m, 20m, 26m,

Berilgan:

Yechilishi:

I usul. 1. Jismning erkin tushishdagi harakat qonuni $h = \frac{g t^2}{2}$ dan

$$h = 54 \text{ m}$$

$$t = t_1 = t_2 = t_3 = \frac{t}{3}$$

$$h_1 = ? \quad h_2 = ? \quad h_3 = ? \text{ jismning erkin tushish vaqtini topamiz: } t = \sqrt{\frac{2h}{g}}$$

Masala shartiga ko'ra: $t_1 = t_2 = t_3 = \frac{t}{3} = \frac{1}{3} \sqrt{\frac{2h}{g}}$

2. Jismning t1 vaqt uchun erkin tushish balandligi

$$h_1 = \frac{g t_1^2}{2} = \frac{g}{2} \cdot \frac{1}{9} \cdot \frac{2h}{g} = \frac{h}{9}$$

3. Jismning t2 vaqt ichida bosib o'tgan yo'lini topish uchun bu yo'lda jismning boshlang'ich tezligi $v_1 = gt_1 = \frac{g t}{3}$ ga teng. U holda

$$h_2 = v_1 t_2 + \frac{g t_2^2}{2} = v_1 \cdot \frac{2}{3} t + \frac{g}{2} \left(\frac{2}{3} t\right)^2 = \frac{g t^2}{9} + \frac{g t^2}{9} = \frac{2g t^2}{9}$$

4. Jismning t3 vaqt ichida bosib o'tgan yo'li $h_3 = h - (h_1 + h_2) = \frac{5}{9} h$ ga teng bo'ladi.

h_1, h_2, h_3 larning son qiymatlarini hisoblaymiz: $h_1 = 6 \text{ m}, h_2 = 18 \text{ m}, h_3 = 30 \text{ m}$.

II usul: Tekis tezlanuvchan harakatda ketma-ket teng vaqtlar ichida bosib o'tilgan yo'llarining nisbati ketma-ket kelgan to'rt sonlarning nisbati kabi bo'ladi: $h_1 : h_2 : h_3 = 1 : 3 : 5$; $h_1 + h_2 + h_3 = h$

Bundan quyidagi kelib chiqadi:

$$\frac{h_1}{h_2} = \frac{1}{3}, \quad \frac{h_1}{h_3} = \frac{1}{5}$$

Bulardan h_2 va h_3 ni topamiz.

$$h_2 = 3h_1, \quad h_3 = 5h_1$$

$$h_1 + 3h_1 + 5h_1 = h; \quad 9h_1 = h; \quad h_1 = \frac{h}{9} = 6 \text{ m}$$

$$h_2 = 3h_1 = 3 \cdot 6 = 18 \text{ m}; \quad h_3 = 5h_1$$

Маъмуржон ихтирочи бўлмоқчи эди. Мактабда ҳам яхши баҳоларга ўқиди. Айниқса, физика фанига жуда қизиқарди. Коллежни тугатиш арафасида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича бизнес лойиҳаларни хомчўт қилиб юрганди. Лекин акасининг қутилмаган таклифи унинг режаларини бутунлай ўзгартириб юрди.

— Бир-икки йил чет элда ишлаб келамиз, — деди акаси. — Уйни таъмирлаймиш, машина олиб, савдо дўкони кураимиз. Сармоя бўлгач, ихтироларинг ҳам амалга ошаверади.

Og'riq

учун тиконзор оралаб туну кун йўл юришди. Таъқиб этаётган кишилар, хайрият, уларни тутолмади. Ниҳоят, ака-ука элчихона аралашуви билан ватанга қайтди...

Бундай воқеалар онда-сонда бўлса-да қулоққа чалиниб туради. Ёшларнинг йўлдан адашиши, ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишида маҳалла, оила, таълим муассасаси бирдек жавобгар. Аввало, оилада ота-она мас'улиятли бўлиши керак. Улар фарзандининг нима иш билан шуғулланаётгани, бўш вақтини қарерда ўтказётганини қатъий назоратга олиш-

ЎЙЛАМАЙ БОСИЛГАН ҚАДАМ

Фарзандлари режасидан хабар топган ота-она дастлаб қарши бўлди. Кейин ноилож розилик беришди. Ака-укаларга узоқ қариндоши, тез-тез четга чиқиб турадиган Собир ҳамроҳлик қилди. Йўлбошчининг йўл ҳақини ўзи тўлаши уларни қувонтирди.

Уларни чет давлатда сипо кийинган новча киши қутиб олди.

— Йигитларинг шуми? — деди ҳалиги нотаниш одам.

— Секинроқ... Эшитиб қолади, — деди Собир елкасини қисганча. — Каттаси дурадгор, кичиги ўзича қандайдир ихтиролар билан шуғулланади.

— Бизга ихтирочилармас, эргашадиганлар керак. Ақидамизни уларга яхшилаб тўшунтир.

Оға-инилар қалин ўрмонда, қурилиши тугалланмаган объектда иш бошлади. Шароит оғир эди. Ўн-ўн беш киши кичик қулбада яшарди. Улар ишдан сўнг тўпланиб, нотаниш кимсаларнинг тушунарсиз маърузаларини тинглашарди. Шу зайл кунлар ойларга туташаверди. Келишилган пулдан эса дарак йўқ.

Текинга ишлашдан чарчаган ака-укалар ортага қайтиш йўлларини излаб бошлашди. Буни сезган назоратчи уларни ўлар ҳолатда қалтаклади. Ўзига келган оға-инилар омон қолиш

лари лозим. Қолаверса, ҳар бир педагог ўқувчининг давомати билан жиддий шуғулланса, бирор касб-хунарга қизиқтира олса, ёшлар таваккал ишга қўл урмайди.

Юртимизда одам савдосига қарши курашиш, адашганларга ёрдам кўрсатиш мақсадида қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда. Тарбиявий соатларда масаланинг ҳуқуқий томонлари билан бирга одам савдосининг қандай оқибатларга олиб келиши, бу йўлга билиб-билмай қираётган ёшларнинг бошига тушаётган оғир савдолар ҳақида ҳаётий мисоллар асосида гапириб берамиз. Ўқувчиларни юртимизда яратилган имкониятлардан унутили фойдаланишга ундаб, касб танлаш юзасидан керакли маслаҳатлар берамиз. Ота-оналар мажлисларида ҳам ушбу муаммо юзасидан баҳс-мунозаралар уюштирамиз. Ҳаракатларимиз, албатта, ўз самарасини беришига ишонамиз.

Раҳима ФОЗИЛОВА,
Қарши туманидаги 4-мактаб
директори ўринбосари,
Ўктам МЕЙЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

КОРХОНА ИШЧИЛАРИ — КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ



Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги "Yangiobod chevarlari" масъулияти чекланган жамияти болалар ва катталар учун замонавий дизайнда кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кунига уч ярим минг кийим-кечак тайёрлаш қувватига эга корхонанинг 20 турдаги махсулоти бозорда харидордир. Бу ерда меҳнат қилаётган 86 нафар ишчининг деярли барчаси касб-хунар коллежини битирган йигит-қизлардир. Жамият иш юритувчиси Лутфулло Мамазариповнинг айтишича, кунига уч минг метр мато тўқийдиган дастгоҳлар келтирилиб, ярим тайёр махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу яна йигирмита иш ўрни очиб имконини беради.

Суратда: тикувчи Дилрабо Ҳасанова.

ЎЗА фотомухбири
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат.

САМАРАЛИ ИЖОД ПАЛЛАСИ

Тароватли куз фасли унутилмас лаҳзаларга бой ва самарали ижод палласи бўлди. Буни газетамиз саҳифаларида чоп этилган мақола-лар орасида танлов ғолиблигига даъвогарлар кўплиги ҳам кўрсатиб турибди. Педагог-муаллифларнинг долзарб мақолалари, самарали методик материаллар, бадий асарлар, аслиятдан таржималар, очерк ва фото-суратлар ёрдамида газетамиз янада ўқиниш бўлиб, ранг-баранг кўриниш касб этди. Фаол муаллифларимизнинг меҳнатларини эътироф этган ҳолда, «Фаслнинг энг яхши ижодкори» анъанавий танловининг куз фасли ғолибарини эълон қиламиз.

«Faslning eng yaxshi ijodkori»

| Танлов номинациялари номи | Ғолиб материал номи ва эълон қилинган санаси | Ғолиб муаллифлар |
|---|---|------------------|
| «Энг яхши мақола» | Ота (2014 йил 17 сентябрь) | Хусан Карвонли |
| «Оригинал бир соатлик дарс» | Хоразмийдан бошланган сабоқ (2014 йил 13 сентябрь) | Гулюз Орифжонова |
| «Сермазмун саҳифа» | Бир ҳовуч дур (2014 йил 19 ноябрь) | Олимжон Жумабоев |
| «Энг яхши очерк ёки эссе» | Бу даргоҳга шунчаки келиб кетилмайди (2014 йил 13 сентябрь) | Замира Рўзиева |
| «Педагог-муаллифнинг долзарб материали» | «Сирли бармоқлар» усули орқали ўлчов бирликларини осон тушунтириш мумкин (2014 йил 20 сентябрь) | Барно Бобобекова |

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

| | | |
|------------------------------|--|--------------------|
| «Қизиқарли интервью, сўхбат» | Халоллик — ҳамиша ғолиб (2014 йил 1 сентябрь) | Зоҳиджон Холов |
| «Жозибали сурат» | Элда кадр топганлар (2014 йил 25 октябрь) | Назира Боймуродова |
| «Самарали методик материал» | Ўйнаб ўйлаймиз, ўйлаб сўйлаймиз (2014 йил 15 октябрь) | Турсуноӣ Зиёдова |
| «Тарбияга оид амалий таклиф» | Иқтисодий ҳулқ психологияси ёхуд болани пул билан муомала қилишга ўргатиш бўйича турли ёндашувлар хусусида (2014 йил 29 октябрь) | Васила Каримова |
| «Ўқиниш бадий асар» | Тақдир битиги (2014 йил 26 ноябрь) | Исҳоқ Исмоилов |

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

| | | |
|--|---|---------------------|
| «Воқеликка муносиб шарҳ» | «Эбола» вируси: дарда даво топилдими? (2014 йил 20 сентябрь) | Ҳамида Усмонова |
| «Ўзига хос янгилик» | Ўз куйингизни топинг (2014 йил 5 ноябрь) | Ваҳобжон Ўрозметов |
| «Талаба-журналистнинг ёркин публицистик иши» | Уйқудаги «аклли» генлар ёхуд ақлий қобилиятнинг ривожланиши нафақат ирсиятга, балки ташқи, яъни ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳам боғлиқлиги хусусида (2014 йил 15 ноябрь) | Дилнавоз Бердиева |
| «Энг сара таржима материали» | Ҳамжихатлик ва ҳурмат-эҳтиром педагог Рон Кларкнинг таълим-тарбия борасидаги қридалари асосини ташкил этади (2014 йил 5 ноябрь) | Хушнуд Худойбердиев |
| «Ҳозиржавоб муштарий» («Акс-садо») | Ўқитувчига эл баҳо беради (2014 йил 8 октябрь). «Обрули муаллим макомига қандай эришиш мумкин?» (2014 йил 2 август) мақоласини ўқиб | Шухрат Субонов |
| «Энг яхши репортаж» | Докторлик диссертациялари янги талаблар бўйича ҳимоя қилинмоқда (2014 йил 8 октябрь) | Санобар Жуманова |

Танловнинг юқорида келтирилган номинацияларида ғолибликни қўлга киритган муаллифлар тахририятнинг фахрий ёрлиги ва энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдоридagi мукофот билан тақдирланади.

2014-yil 17-dekabr, № 100 (8749)

Инсон борки, эҳтиёжлари бор. Бу уни ўз олдига мақсад қўйишга ундайди. Мақсадида етиш учун эса режа тугади. Режа асосида ҳаракатга киришади. Ҳаракати-га лойиқ натижаларга эришади ва яна янги эҳтиёжлар тугилади. Бу эса янги мақсад, янги режа, ҳаракат ва марралар дегани. Яна ва яна... Эҳтиёжлар, албатта, ҳар бир инсоннинг ёши, жинси, қизиқиши, иқтидори, тафаккур тушунчаси ва шароитидан келиб чиқади.

Фарзанди талабларини англаган ота-она уни таълим муассасасига бошлаб келади. Бола улгарган, ўз истакларини секин-аста англай боради ва энди уни ҳеч ким қўлидан етаклаб бериш, "Мактабнинг бор", деб мажбурлашмасан-да, ўз ихтиёри билан ўқишга ошиқади. Чунки у эртага, айтилик, шифокор бўлиши керак.

Эҳтиёжни англашдан то унга эришишгача бўлган босқичларни босиб ўтиш, бирор "бекат"да қолиб кетмаслик ёки кечикмаслик учун эса мустақкам ирода зарур.

ЖАМИЯТ МАТОНАТЛИ КИШИЛАРГА СУЯНАДИ

Биз ҳаётнинг ҳар лаҳзаси, ҳар жабҳасида иродага муҳтожмиз. Оила юкини елкалаш дейсизми, иш фаолиятдаги машаққатларми, худлас, иссиқ-совуқда, огиру энгилмизда бу бебаҳо фазилат жонимизга оро киради. Бу ҳақда мутахассислар фикри қандай?

— Ирода шахснинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, ижтимоий муҳитда шаклланади ва у доимий тарбияга муҳтож, — дейди ЎЗМУ психология кафедраси доценти Лутфулла Турсунов. — Ирода боланинг, умуман, шахснинг ҳулқ-атвори, хатти-ҳаракатларида ақс этади. Мақсадга эришишга бўлган кучли хоҳиш-истакни ирода дейиш мумкин. У инсоннинг ижтимоий муҳитдаги ўрнини белгилаб бериш билан бирга, миллатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун иродали шахс, бардошли одам деган ибораларни кўп эшитамиз. Ироданинг бола учун асосий аҳамияти, бу — унинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш ва назорат қилишига омил бўлади. Ўғил-қизларда бу фазилатни тарбиялаш ва шакллантириш катта авлод, айниқса, педагогларга алоҳида масъулият юклайди. Жамият метин иродали, матонатли кишиларга суйнади. Кашандалик, ичкиликбозлик каби иллатлар, асосан, иродасизликнинг заҳарли мевасидир. Қонунбузарликлар, турли жиноятлар ҳам ҳалол меҳнатга "бўйни ёр бермаган", чидамсиз кишилардан содир бўлади. Ёшларимизнинг таълим даргоҳларига қатнашдан мақсади ўқиш-ўрганиш, касб-ҳунар эгаллаш экан, уларнинг бу улур мақсад йўлида собитқадам шахслар бўлиб улгайишига

эришишимиз, бунда биз катта авлод сабот кўрсатишимиз лозим.

БОЛА НЕГА БАРДОШСИЗ БЎЛИБ ҚОЛАДИ?

Таълим-тарбия жараёнининг ҳам ўзига яраша заҳма-

ча, ўғли уйда вазифаларни яхши бажаради, ўқиганларини бемалол гапириб, саволларга жавоб бера олади. Лекин негидир мактабда синфдошлари орасида ўзини уйдагидек тутолмайди. Оқибатда ўқишга қизиқиши сўниб, мактабдан безиб қолаётган экан. Сабабини суриштирганимда ўқитувчисидан эшитган танбэхлари, тенгдошлари орасида изза бўлган каби ҳолатларга бориб тақалди. Шундан сўнг уларга керакли тушунтириш ва маслаҳатлар берилди. Бунда боланинг иродасиз бўлиб қолишининг асосий сабабларидан бири, атрофдагилар унинг хатола-

муҳитга мослашиб улгурмаган, иродаси шаклланмаган ўқувчилар "Бўлди, ёзмайман!" деб ручкасини отиб юборишгача, "Ўқимайман, уйга кетаман", деб қайсарлик қилишгача боради. Ана шундай вазиятда уларни сабр-бардошга ўргатмасак бўлмайди. Бунинг учун болада, аввало, ўқишга қизиқиш уйғотилади. "Келажакда ким бўлмоқчисан? ...Ундай бўлса, сен мана буларни ўрганишинг керак", деб кайфиятини кўтараман. Унинг ёши, билими, ўзлаштириш даражаси, қобилиятига мос топшириқлар бераман. Баъзи болалар мактаб дастурига

Dolzarb mavzu

та ҳаётга тайёрлаб бориши лозим. Натижада уларда ирода фаоллашади, яширин қирралари очилади.

— Ўқувчининг иродасини мустақкамлайдиган воситалардан бири — рағбат, яъни у ўз меҳнатининг самарасини кўришидир, — дейди Шаҳноза Муслимова. — Шунинг билан синфимизда ёзуви чиroyли, кетма-кет бешта аъло баҳо олган ўқувчиларнинг дафтарига "Энг чиroyли хусниҳат соҳиби" деган махсус белгини ёпиштириб қўяман. "Ўқиш" фанидан матиларни ифодали ўқиган, шеърларни раvon ёд олган ўқувчиларим эса "Ёш нотик" нишонига эга бўлишади. Ўйлаб кўринг-а, ўқувчига дарс қилиш нега малол келади? Чунки унга топшириқлар қийин бўлиб туюлади. Сабаби, машгулот чоғида мавзунинг яхшилаб тушуниб олмаган. Бу эса биз ўқитувчиларнинг айбимиз. Шунинг учун, аввало, ўқувчиларга мавзунинг тушунтиришга, пухта ва мустақкам ўзлаштириб олишларига эътибор қаратаман. Бошланғич синф ўқувчиларида ҳали ирода, қатъият шаклланиб улгурмагани боис машгулотларда қизиқарли ўйинлардан, дам олиш дақиқаларидан фойдаланаман.

Ёшларимизни иродасини мустақкам этиб тарбиялашнинг синалган усулларидан бири уларни спорт тўғрисидаги жалб қилишдир. Умуман, фойдали фаолиятга, меҳнатга йўналтириш мақсада мувофиқ, "Соғлом бола йили" Давлат дастурида ҳам ўғил-қизларимизни спорт тўғрисидаги жалб қилиш масаласига алоҳида урғу берилган.

— Синфимиздаги ўғил болалардан, 5 нафари таэквандо, 3 нафари футбол, 1 нафари спорт гимнастикаси билан шугулланади, — дейди Шаҳноза Муслимова. — Қизлардан эса 6 нафари баскетбол, 4 нафари энгил атлетика, 1 нафари бадий гимнастика тўғрисидаги аъло баҳога эришган бўлади. Улар деярли касал бўлмайди, дарс қолдиришмайди. Руҳан тетик, иродаси мустақкам. Ўзига нисбатан талабчан, тартиб-интизомли.

Шаҳноза Муслимованинг ўзи ҳам ўқувчиларига шахсий намуна кўрсатиб, спорт билан шугулланиб туради. Ёшлигида баскетбол ва энгил атлетика тўғрисидаги фаол аълоси бўлган. Синфонасида ўқитувчининг диплом ва мақтов ёрликларини кўрган ўқувчиларда ҳам спортга қизиқиш ортиси табиий. Дарҳақиқат, барча жиҳатларда бўлгани каби, иродали, матонатли, ушлаган жойини мақкам тутадиган ўғил-қизларни улгайтиришда ҳам шахсий намуна — энг унумли тарбия усулидир.

Ғолиб БАХРОМОВ, журналист

БОЛАДА ИРОДА ТАРБИЯСИ

қандай шакллантирилади?



ти бор. Айниқса, ҳали нафни англаб улгурмаган, ўйинқароқлик давридаги болага 45 дақиқа бир хонада ўтириб, ақлий меҳнат билан шугулланиш, оилада ҳамма телевизор кўриб ўтирганда, биргина у нариги хонага ўтиб, уйга вазифаларни бажариш малол келади. Турли баҳоналар тўқиб, масъулиятдан қутулишга уринади. Ўқувчи-ёшларни бардошсиз бўлиб қолишига олиб келадиган сабаблар кўп. Бу омиллар яна нималарда кўринади?

— Иродасизлик оқибатида кишида турли нарса ва ҳодисаларга нисбатан фобия ортиб кетади, — дейди Лутфулла Турсунов. — "Кўрққанга қўша кўринар" дегандек, ҳалиқсираш кун сайин кучайиб, шахсдаги қатъиятнинг сўндиради. Қарабсизки, боланинг ривожланишида маълум оғишлар юзга келди ҳамда жамоадаги мавқеи пасайиб, ўзига ишончсизлиги орта бошлади. Натижада ўқувчида турли ҳис-ҳаяжон (стресс, депрессия) оқибатида руҳий зўриқиш пайдо бўлади, билимларни ўзлаштириш, касб-ҳунар эгаллаш жараёнлари сусайиб кетади. Яқинда бир она фарзандини етаклаб келибди. Айтиши-

рини бўрттириб кўрсатишлари ва ишончсизлик билдириб, чўчитиб қўйишларидир. Айни мавзуда умумтаълим муассасаларида ишлаётган ўқитувчилар фикри билан ҳам қизиқдик.

— Боланинг бегоҳатликка одатланишининг сабабларидан бири ва аввалгиси оилавий муҳит билан боғлиқ, — дейди Миробод туманидаги 328-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Шаҳноза Муслимова. — Назоратсиз қолдириш, талтайтириш, кун тартибига риоя қилинмаслиги, катталар топшириқ бергач, натижасини астойдил сўрамаслиги каби омилларни санашимиз мумкин. Мен ўқувчиларимнинг ота-онидан "Фарзандингиз нимага қизиқади?", "Нимани ёқтириб, нимани ёқтирмайди?" каби сўровномаларга жавоб олиб, ўқувчимни яхшилаб ўрганган ҳолда мулоқот қилишга интиламан. Иродасизлик бола имкониятларини ҳисобга олмай, тоқати-дан ортиқ масъулиятни талаб қилишдан ҳам келиб чиқади. Айниқса, I-синфга келган ўқувчиларнинг индивидуал имкониятларини эътиборга олиш жуда муҳим. Баъзан мактабга янги келган, ҳали

қоникмайди, уларга қўшимча вазифалар бериб, ўқиндан иштиёқини сўндирмаслик мақсадга мувофиқ, айримларига эса имкон қалар соддароқ топшириқлар юклаганга тўғри келади.

Муаллимнинг фикрича, гоҳида ўқитувчининг хатоси билан ҳам ўқувчиларда мустақкам ирода шаклланимай қолади. Бундай педагог, биринчи галда ўзи ана шу талабга жавоб бермайди. Болани эътибордан четда қолдиради, камситида, ноўрин койийди, ишининг оғирлигига чидалмай асабийлашади, бунинг билан ҳам ўқувчиларига ҳам сездириб қўяди. Ўзини ана шундай тутиши болага, албатта, тасир этади. Асабийлашиб турган ўқитувчисига фикрини эркин айтишмайди, эркин ҳаракат қилолмайди. Айни ҳолат муттасил давом этверса, ўқувчи ўзига ишончсиз, бўшанг бўлиб боради.

КАТТА ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАК

Мутахассисларнинг таъкидлашича, катталар болада ўзига нисбатан ишонччи шакллантиришлари, бунинг учун эса биргаликда тинимсиз машқ қилишлари лозим. Ҳар бир болада нимадандир кўрқув бўлиши табиий. Бола ўша нарсани идрок қила олмагани учун ҳалиқсирайди. Демак, чидамли, иродали этиб тарбиялаш унинг таваққурига сиймаётган, тасаввурда бўрттираётган воқелик ва ҳодисалар ҳақида аниқ маълумотлар бериш лозим. Бола ўзининг барча хусусиятларини англаб ета олмаслиги аниқ. Атрофдагилар эса ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, уни ҳар томонлама қузатиб, тўғри йўналтириши мақсадга мувофиқ. Ўз билими билан секин-аста ёшларни ҳам қуроллантириб, кат-

Сўнги йилларда ахборот технологиялари билан боғлиқ ҳаётимизда кўп нарса ўзгарди. Доимий ҳамроҳимизга айланган «ақлли» телефонлар ҳам қундан-қунга такомиллашиб бормоқда. Бугун смартфон деганда олд панели тўлиғича экрандан иборат кўпфункционали тўртбурчак қурилма тушунилади. Оддий истеъмолчи смартфон имкониятларининг атиги 30—40 фоизидан фойдаланишига қарамай, ишлаб чиқарувчилар маҳсулотга талабни янада ошириш мақсадида экран имкониятларини янада кенгайтириш билан банд.

Йилдан-йилга телефон экранлари мукаммаллашиб бормоқда. «HTC OneX» смартфонни сизимми 720 ра тенг HD дисплейга эга бўлса, «Galaxy S5» ва «HTC One» смартфонлари 1080 пикселли Full HD экрани, LG G3 смартфонни эса 2K сизимми билан машҳур. Смартфонларнинг яна

Сўнги пайтларда «YouTube» ва «GoPro» сингари оммавий хизматлар ҳам 4K контентни ёзиш ва узатишга мослаштирилмоқда.

IPHONE4: ИЛК RETINA-ДИСПЛЕЙ

Ўз вақтида «Apple» компанияси юқори сизимга эга



Zamonaviy axborot texnologiyalari

илк ноутбук «Toshiba» компанияси томонидан «IFA-2014» кўргазмасида намойиш этилган эди.

Телевизорларнинг LED ва 3D моделларидан сўнг 2012 йили дўкон пештахталарида янги тур — 4K сизимли «HDTV» телевизорлари пайдо бўлди. Бу воқеа маркетинг томонидан юқори сизим телевидениеси ривожига навбатдаги босқич сифатида баҳоланди ва ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотини тақдим этиш учун навбат кута бошлади.

Лекин худди 3D каби, бундай телевизор экранларида ҳам табиий юқори тиниқликда кўриладиган видео материалларнинг ўзи йўқ. Телетомошабинлар фойдаланиши мумкин бўлган 4K контент ва уни экранга узатувчи воситалар билан боғлиқ муаммолар ҳозирча ўз ечимини топгани йўқ. Бироқ яратилган чарчамаётган ишлаб чиқарувчиларнинг фикрларига қўра, тез орада юқори сизимли экранларга талаб ортади.

Бугунги кунда бир қанча телевизион шоулар, янгиликлар ва спорт дастурлари 4K форматда суратга олинмоқда. Бундай телешоулар қаторига «Қора рўйхат» (The Blacklist), «Майкл Фокс шоуси» (The Michael J. Fox Show) ва бошқаларни киритиш мумкин. Шунингдек, «Sony» компанияси ҳам бир йилдан буён 4K дастурларни суратга тушириш устида фаол иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, компания спорт шоуларини суратга олишга мўлжалланган 4K ускуналарни синовдан ўтказмоқда. Масалан, ўтган йили синов тариқасида Бразилияда бўлиб ўтган футбол бўйича конфедерациялар кубоги, жорий йили эса жаҳон чемпионатининг эрим финал ва финал ўйинлари 4K форматда суратга олинди.

4K видеоларни суратга олиш ва трансляциясини йўлга қўйиш жуда катта маблағ талаб этади. UHD контентни эфирга узатишда айти пайтда энг қўлай ва камхарж усул бу постпродакшн, яъни қайта ишлаш ҳисобланмоқда. HD фильм ва дастурларни тайёрлашда қўлланадиган кўплаб эффеклар деярли ўзгаришсиз 4K форматига ўтказилиши мумкин.

Бир вақтлар «қулоғини бураса кўрсатаверадиган» телевизорлар бугун шу даражада такомиллашдики, экрандаги тасвирни дереза орқидagi манзарадан ажратиш бўлмай қолди. Аммо 3D бўладими, Full HD ёки бошқа турдаги келажак телевизорларими, табиат бағрида сайр қилишдан олинмайдиган завқни бермайди. Майли, технологиялар ривожланиши, илм-фан фойдасига хизмат қилаверсин, аммо юракларни тошга айлантIRMасин. Хўш, инсониятга 4K дисплейли смартфонлар керакми ёки меҳр-муҳаббат? Танлашни ўзингиз ҳал қилинг.

Висола ҚАРШИБОВЕВА тайёрлади.


КЕНГ ИМКОНИЯТЛИ ДИСПЛЕЙЛАРГА ЭҲТИЁЖ БОРМИ?

бир неча авлоди алмашинувдан сўнг 4K дисплейларининг оммалашishi кутилмоқда. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор: **ОДАМЛАРГА БУНДАЙ ДИСПЛЕЙЛИ ТЕЛЕФОНЛАР КЕРАКМИ?**

Авалло, 4K сизими нима, деган саволга аниқлик киритамиз. Горизонтал ва вертикал пикселлар сони сизимни белгилайди. Масалан, 1280x720 — экран энига 1280 ҳамда бўйига 720 пикселни сизидира олишини аниқлатади. Назарий жиҳатдан, сизим қанчалик катта бўлса, тасвир шунчалик тиниқ бўлади. Одатда у ёки бу сизимга қисқача ном бериллади. Масалан, HD — замонавий телевизорларнинг аксарияти айнан шундай сизимга эга. High Definition (юқори тиниқлик) экран сизимини вертикал ҳолатда камида 720 пикселни ташкил этади. Full-HD эса вертикалига камида 1080 пикселни сизидириш имкониятига эга.

«Юқори тиниқлик» (HD)нинг бир неча даражалари мавжуд. 2K-видео горизонталга экранда камида 2 минг пиксел сизимини аниқлатади. Одатда Full HD (вертикалига 1080 пиксел) деганда горизонтал ҳолатда 1980 пикселни қамраб олиши мумкин бўлган экран сизимини тушунилади. QHD (Quad HD, «тўрт маротаба юқори тиниқлик») экран эса 2560 пиксел сизимга эга ва бу экранда 1080 ра сизимидан кўра тўрт маротаба кўпроқ пикселларни сизидириш мумкин. Аммо энг юқори экран сизимини стандарти 4K бўлиб, ўлчами 3840x2160га тенг. Ушбу стандарт асосан юқори даражали телевизор ва компьютер мониторларига мўлжалланган. 4K форматининг афзаллиги шундаки, у тасвирнинг юқори сифатини таъминлайди, суратларни майда деталаригача кўрсата олади ва катта форматдаги динамика тасвирлар учун айти мудадо.

4K формати унинг горизонтал ҳолатдаги сизимини (4000 пиксел атрофида) тўфайли шундай аталади.



Retina экранли «iPhone4» смартфонлари тақдиротини муваффақиятли амалга оширган. Экранин чексиз мукамаллаштириш мумкин, аммо эртами-кеч мукамаллик шу даражага етдики, тасвир тиниқлигидаги фарқларни кўз билан илғашнинг иложи бўлмай қолади. Яна бир омил — пикселлар зичлиги инobatга олиниши керакки, бунда у ёки бу физик бўшлиққа қанча пиксел сизимини мумкинлиги ўз аксини топсин. Одатда у бир дюймга тўғри келадиган пикселларда ўлчанади (PPI).

Смартфон дисплейли телевизор экранидан кичик бўлгани боис юқори сизимда пикселлар зичлиги ақл бовар қилмас даражада ошади (LG G3 смартфонда 530 PPI). Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидай, аммо одам кўзи бундай экранда алоҳида пикселни кўришга қодир эмас. Оддий қилиб айтганда, фарқ фақат рақамларда бўлади, фойдаланувчилар эса тасвирда ўзгариш сезмайди.

«Apple» компанияси маълумотларига кўра, бир дюймга эга 326 пиксел смартфон учун етарли. Умуман, инсон кўзи илғайдиган энг юқори зичлик кўрсаткичини аниқлашнинг ҳам иложи йўқ. Гап шундаки, бу рақам одамнинг юзи экрандан қанчалик узоқда турганига боғлиқ. Дейлик, агар 4K телевизор олдига жуда яқин борилса, хатто алоҳида пикселларни

ҳам кўриш мумкин. Аммо смартфон экранидан улар кўринмайди.

Дисплейлар бўйича машҳур мутахассис Раймонд Солейнинг фикрича, инсон кўзи илғаш мумкин бўлган юқори зичлик сизими 600 пикселни ташкил этади, бироқ бундай экраннинг тиниқлик даражасини кўриш қобилияти жуда яқин бўлган одамгина фарқлай олиши мумкин.

КАМЧИЛИКЛАРДАН КЎЗ ЮМИБ БЎЛМАЙДИ

Ўта юқори сизимли смартфон экранларининг яна бир камчилиги шундан иборатки, дисплей қанчалик кўп пиксел ишлаб чиқарса, процессор зиммасига шунчалик кўп иш юклатилади. Бу эса чипнинг кучли қизиши, телефоннинг секин ишлаши ва батарея қувватининг тез тугаб қолишига сабаб бўлади.

Техник жиҳатдан телефон экранларини мукамаллаштириш маъносиздек туюлса, смартфонлар учун 4K экранлар яратиш ҳақидаги фикрлар тўхтаганича йўқ. Негаки, экраннинг юқори сизими — аҳойиб маркетинг хийласи. Мукамалликка, юксакликка интилиш инсон табиатида хос ва экран сизимининг юқорилиги у ёки бу телефонни сотиб олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Мобиль технологиялари саноатининг икки қудратли ишлаб чиқарувчилари — «Samsung» ва «LG» компаниялари смартфонларнинг 4K-экранларини ҳаётга татбиқ этиш мумкинлигини исботлади.

«DisplaySearch» компанияси маълумотларига кўра, келгуси йили шундай экранли смартфонлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Уларнинг савдоси эса 23 миллион донани ташкил этиши кутилмоқда. UHD дисплейли қурилмалар савдосининг 5 фоиздан кўпроги Шимолий Америка ва Японияга, 5 фоиздан камроғи эса Фарбий Европага тўғри келиши мумкин.

«Юқори тиниқликдаги смартфонлар бозорининг ривожланиши бу каби дисплейлар учун маълумотларни қайта ишлайдиган процессорларнинг арзонлиги ва қувватни тежашда самарали экани билан изоҳланади», дейди «DisplaySearch» компанияси мониторинг бўйича етакчи мутахассиси Тин Дэн.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, 2014 йилда сотилган смартфонлар сони 1,2 миллиардга етиши мумкин. Шундан 570 миллионини HD ва Full HD экранли смартфонлар, 41 миллион эса 2K сизимли экранга эга гаджетлар ташкил этади.

ТЕЛЕВИЗОРЛАРДАГИ ТИНИҚ ТАСВИР

4K сизимли экранга эга смартфонлар ишлаб чиқариш устида қизгин баҳслар кечаётган бир вақтда Россияда шундай сизимли (3840x 2160 пиксел) «Aspire V Nitro Black Edition» ноутбуклари савдога чиқарилди. Бу ҳақида «Acer» компанияси маълумот берган.

Price.ru ва «Яндекс.Маркет» хизматларининг хабарларига кўра, «V Nitro Black Edition» (VN7-591) айти пайтда Россия бозоридagi 4K сизимли ягона модел. 4K экран сизимли дунёдаги

2014-yil 17-dekabr, № 100 (8749)

**ДУНЁДАГИ ИЛК
ИНТЕРАКТИВ
"ХАЙВОНОТ БОҒИ"**

Голландия пойтахти Амстердам шаҳрида дунёдаги илк микроблар "хайвонот боғи" очилди. Ер юзидagi тирик мавжудотларнинг учдан икки қисмини ташкил этувчи микроорганизмлардан иборат макроритми хайвонот боғини очиб учун 10 миллион евро миқдорда маблағ сарфланди.

Мазкур хайвонот боғининг катта қисми йирик лаборатория эслатади. Бу ерда улкан телевизорларга уланган микроскоплар ёрдамида митти мавжудотларнинг ранг-баранг олами томоша қилиш мумкин. Бунда ташриф буюрувчилар турли пробиркаларга жонли микроб ва бактерияларни ўз кўзлари билан кўришлари мумкин. Шунингдек, 3D микроскоп ёрдамида микробларнинг кўпайиш жараёнини ҳам кузатиш имконияти яратилган. Махсус сканер эса музей меҳмонлари танасида



яшаётган микроорганизмлар "бошпана"сини фош этади.

Музей ходимларининг таъкидлашича, микробларнинг ҳар кунлик ҳаётинида нақалар муҳим аҳамият касб этиши XVII асрда голландиялик олим Антони ван Левенгук томонидан микроскопик мавжудотлар кашф этилганга қалар етарлича баҳоланмас эди.

Микробларни Ер юзининг ҳар қаеридa учратамиз. Бугун улар микроб, вирус ва бактерия кўринишида саломатлик учун зарар келтиради, деган тасаввур билан бирга, ҳаётимиз учун фойдали томонлари ҳам борлиги таъкидланмоқда. Шу боис микробиологияни чуқур ўрганиш орқали шифохоналар, озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш, нефтни қайта ишлаш ва фармацевтика саноатининг янада тараққий этишига эришишимиз мумкин.

**ОРТИҚЧА ШАКАР —
КЕЛТИРАМ ЗАРАР**

Шифокорларнинг тасдиқлашича, шакарни меъридан ортиқ истеъмол қилиш организмда турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳатто шўр маҳсулотларни истеъмол қилишдан ҳам зарарлироқ экан.



"British Medical Journal" нашрида қайд этилишича, кунига бир неча ўн чой қошиқ миқдорда шакар истеъмол қилиш орқали киши ўзига гипертония (қон босимининг ортиши) ва юрак касалликларини ортириб олиши мумкин. Мақолада келтирилишича, шакар, аниқроқ айтганда, моносахарид фруктоза артериал қон босимининг ортишида асосий вазифани бажарай.

Олимларнинг қайд этишича, ҳар кун и ўртача 74 грамм фруктоза истеъмол қилиш артериал қон босимини 30-77 фоизгача ошириши мумкин. Бунда фақатгина шакарнинг ўзи эмас, балки турли озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидagi минoсахарид фруктоза ҳам ҳисобга олинган.

Шу сабабли шифокорлар ҳаттоки оз миқдордаги шакар ҳам маълум муддат организмга зарар келтириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда.

**ОЛОВ БИЛАН
ЎЙНАШМАНГ!**

Тўрт фаслнинг тароватини ўзида мужассам этган суртизмизда қиш фасли ҳукм сурмоқда. Кунлар совиб иситиш мосламаларига эҳтиёж ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» тадбирлари кенг миқёсда ўтказиб келинаёпти.

Мақтабимизда «Олов билан ўйнашманг» шиори остида бўлиб ўтган тадбирда Учтепа тумани ИИБ ЭХБ инспектори, кичик сержант У.Аҳмедов ёнгиннинг олдини олиш эҳтиёт чоралари тўғрисида кўргаз-



**ХУЛҚ-АТВОР
ИММУНИТЕТГА ҲАМ
ТАЪБИР КЎРСАТАДИ**

Нотингем ва Калифорния университетлари психологлари хулқ-атвордаги ўзига хос жиҳатлар билан имму тизимини назорат қилувчи генларнинг таъсирчанлиги ўртасидаги боғлиқликини ўрганишди. Тадқиқотларга 121 нафар соғлом киши, жумладан, 86 аёл ва 35

эркак жалб этилди. Уларнинг ўртача ёши 24, тана вазни индекси эса 23га тенг эди.

«The Daily Mail» нашрининг қайд этишича, кўнгилчилар тажрибалир вақтида хулқ-атворни намоён этувчи бешта асосий хусусият — қизиқувчанлик, асаблар мустаҳкамлиги, очиклик, кўнгилчанлик ва виждонлиқни аниқлаштирувчи тест саволларига жавоб беришди. Шунингдек, мутахассислар қатнашчиларнинг қон намуналарини олиб, ДНК таҳлилини ўтказишди. Шу билан бирга, чекиш, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш ва жисмоний фаоллик сингари омиллар ҳам инобатга олинди.



Бешта асосий хусусият ва қондаги лейкоцитлар (организмни касалликлардан ҳимоя қилувчи қон ҳужайралари) ишини назорат қилувчи икки гуруҳга мансуб генлар ўртасидаги боғлиқлиқни ўрганишда олимлар ўта сезувчан технологиялардан фойдаланишди. Яқинда зарарли инфекцияларнинг катта қисми инсоннинг қизиқувчанлиги туфайли безарар ҳолга келиши, ўз-ўзини чеклаш эса касалликларга мойиллиқни ошириши мумкинлиги аниқланди.

**БАРБАРИС ОРТИҚЧА ВАЗНДАН
ХАЛОС ЭТАДИ**

Хитойлик олимлар бир қатор ўсимлик ва доривор гиёҳлар таркибига кирувчи модда кўнгир ёғ ҳосил бўлишини фаолаштириб, ортиқча калория тўпланишини олдини олишни аниқлашди. Мазкур тадқиқот иши ҳақидаги маълумотлар "Nature Communications" журналида эълон қилинди.

Олдинги тадқиқотларда барбариснинг моддалар алмашинувини яхшилаши, қандли диабетнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши ва қон таркибидаги холестерин миқдорини камайитиришга ижобий таъсир ўтказиши исботланган эди. Бироқ барбарис истеъмол қилиш орқали диарея, қабзият ва қоринда оғриқ юзага келиши ҳам келтириб ўтилган.

Сичқонларда олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, барбарисни ҳар кун и истеъмол қилган жониворлар тўрт ҳафта ичида ҳар доимидан кўпроқ калория йўқотган. Бошқа изланишларга ҳам мурожаат этилганда юқоридаги натижа янада равшанлашган. Яъни, тадқиқот олиб бoриладиган хайвонларнинг совуқ ҳаводаги ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича 4-8 даражани ташкил этган.

Тадқиқот натижаларига кўра, барбарис ёғ тўқмаларининг парчаланиш жараёнини фаолаштиради. Аниқланишича, мазкур жараён ёғларнинг ички хусусиятига ҳам боғлиқ. Қувват тўплаш хусусиятига эга оқ ёғдан фарқли равишда, кўнгир ёғ иссиқ шароитда калорияни эритишга хизмат қилади ва тана ҳароратини меърида сақлайди.

Тадқиқотчилар хайвонларда ўтказилган тадқиқот ишларидан қутилган натижани олишса, одам танаси вазнининг ортиши билан боғлиқ муаммоларга барбарис билан самарали ечим топиши режалаштиришмоқда.

С.РУСТАМОВ тайёрлади.



Покистоннинг Пешовар шаҳридаги 500 га яқин киши бўлган таълим муассасаси биносини эгаллаб олган олти нафар жангарининг портловчи моддаларни ҳаракатга келтириши оқибатида ҳалок бўлган 126 нафар инсондан 84 нафари болалар экани ҳақида хабар берилади.

«ABC News» телеканалининг хабар беришича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши мажлисида ҳарбий ҳаракатлар олиб бoриладиган Сурия ва Ироқ ҳудудидa гуманитар ёрдамга муҳтож болалар сони жорий йилнинг февраль ойидаги 4 миллиондан 5,6 миллионга кўпайгани маълум қилинган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, «Эбола» иситмаси энг кўп тарқалган уч мамлакат — Сьерра-Леоне, Либерия ва Гвинеяда ҳозиргача 18 миң 464 киши ушбу хасталикка чалинган, касалликдан вафот этганлар сони эса 6 миң 841 нафарга етган.

"Синьхуа" ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, Хитойнинг Хэнань вилояти Чаньюань уезидaги караксе-барларнинг бирида рўй берган ёнгин оқибатида 11 киши ҳалок бўлган, 35 киши жароҳат олган, ҳодиса сабаблари ва тафсилотлари ўрганишмоқда.

Болгариянинг Сливен шаҳри яқинидаги тоғларда саёҳатчиларнинг асосий гуруҳидан қолиб кетган кичик ёйдаги уч болани қидириш учун ҳужуқ-тартибот органи ходимлари, тоғ кутқарувчилари, кўнгилчилар, вертолётлар ва хизматчи итлар жалб этилганидан сўнг болалар тонга яқин тоғ этагидa топилиши ҳақида енгил даражадаги совуқ уриш аломати билан шифохонага етказилгани хабар қилинмоқда.

Yong'in xavfsizligi oyligi

мали куруллар орқали ўқувчиларга маълумот берди.

Синф раҳбарлари ҳам алоҳида тарбиявий ишлар ва давра суҳбатлари ўтказишарди. Ойлик доирада таълим масканимизда синфларо «Олов — тилсиз ёв» мавзусида расмлар танлови бўлиб ўтди. Танловда 5-«А» синф ўқувчиси Раънохон Каримова ғолиб бўлди.

Бу каби тадбирлар ўқувчиларимизни ёнгинни келтириб чиқарувчи ҳодисалардан ҳушёр ва оғоҳ бўлишга ундайди.

Д.СОБИРОВА,
Учтепа туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

**ОГОҲЛИК —
ДАВР ТАЛАБИ**

Лоқайдлик инсоннинг душмани. Арзimas бепарволик оқибатида юзага келган ёнгин мисли кўрилмаган даражада зарар келтириши билан бирга, инсонлар юзида жилоланиб турган ҳаёт нурига соя солади. «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ана шундай салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Ҳар хил ноқулай ва мурракаб шароитларда ҳўл ва қуруқчи баравар

ёндирадиган ўт билан олишиш қанчалик мардлик ва жасорат талаб қилишини ҳамма ҳам билвермас керак. Шу боис айрим юртдошларимиз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига эътиборсиз ва маъсулиятсизлик билан ёндашадилар. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик оқибатида эса ёнгин билан боғлиқ кўнгилсизликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас.

Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб бoрса, турли офатларнинг олди олинган бўлар эди. Оловдан оғоҳ бўлиш бир зумга бўлса-да, хотирамиздан кўтарилмаслиги лозим.

Х.ПОЗИЛОВ,
12-ҲЕҲО 12-ҲЕҲ алоҳида пости смена бошлиғи, капитан

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ЎЗБЕК тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2015-2016 ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар РЎЙХАТИ

| T/p | Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи | Муаллифлар | Нашр этилган йили | Таъминланиш тури |
|---------------|---|-----------------------|-------------------|------------------|
| 1-синф | | | | |
| 1 | Алифбе | Р.Сафарова ва б. | 2015 | Бегул |
| 2 | Ёзув дафтари | М.Ғуломов | 2015 | Бегул |
| 3 | Она тили | Т.Ғафорова ва б. | 2015 | Бегул |
| 4 | Ўқиш китоби | Т.Ғафорова ва б. | 2015 | Бегул |
| 5 | Математика | М.Аҳмедов ва б. | 2015 | Бегул |
| 6 | Математика дафтари | М.Жумаев ва б. | 2015 | Бегул |
| 7 | Атрофимиздаги олам | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Бегул |
| 8 | Тасвирий санъат | Р.Ҳасанов | 2015 | Бегул |
| 9 | Муסיқа | Х.Нурматов ва б. | 2015 | Бегул |
| 10 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2015 | Бегул |
| 11 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | Бегул |
| 12 | Меҳнат таълими | И.Маннопова ва б. | 2015 | Бегул |
| 13 | Инглиз тили "Kids' English-1" | М.Ирискулов ва б. | 2015 | Бегул |
| 14 | Немис тили "Deutsch macht spab" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бегул |
| 15 | Француз тили "Hirondelle" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бегул |
| 16 | Иқтисод ва солиқ алифбоси | Э.Сариқов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 17 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 18 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2012, 2014 | Очиқ савдо |
| 2-синф | | | | |
| 1 | Она тили | К.Қосимова ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Ўқиш китоби | Т.Ғафорова ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Русский язык | З.Абдураимова | 2014 | Ижара |
| 4 | Математика | Н.Абдурахмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Атрофимиздаги олам | П.Ғуломов ва б. | 2014 | Ижара |
| 6 | Одобнома | О.Ҳасанбоева ва б. | 2014 | Ижара |
| 7 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Муסיқа | Х.Нурматов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-2" | М.Ирискулов ва б. | 2014 | Бегул |
| 11 | Инглиз тили машқ дафтари "Activities book-2" | М.Ирискулов ва б. | 2015 | Бегул |
| 12 | Немис тили "Deutsch macht spab-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бегул |
| 13 | Немис тили машқ дафтари "Arbeitsheft-2" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бегул |
| 14 | Француз тили "Hirondelle-2" | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бегул |
| 15 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-2» | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бегул |
| 16 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2012, 2014 | Очиқ савдо |
| 17 | Иқтисод ва солиқ алифбоси | Э.Сариқов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 18 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 19 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 3-синф | | | | |
| 1 | Она тили | С.Ғузаилов ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Ўқиш китоби | М. Умарова ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Русский язык | Н.Сегреева ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Математика | С. Бурханов ва б. | 2014 | Ижара |
| 5 | Табиятшунослик | А.Бахромов | 2014 | Ижара |
| 6 | Одобнома | М. Холиқова ва б. | 2014 | Ижара |
| 7 | Тасвирий санъат | М.Исакова ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Муסיқа | Х.Нурматов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Инглиз тили "Kids' English-3" | М.Ирискулов ва б. | 2015 | Бегул |
| 11 | Инглиз тили машқ дафтари «Activities book-3» | М.Ирискулов ва б. | 2015 | Бегул |
| 12 | Немис тили "Deutsch macht spab-3" | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бегул |
| 13 | Немис тили машқ дафтари «Arbeitsheft-3» | М.Дадаходжаева ва б. | 2015 | Бегул |
| 14 | Француз тили "Hirondelle-3" | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бегул |
| 15 | Француз тили машқ дафтари «Cahier d' exercices-3» | С.Раҳмонов ва б. | 2015 | Бегул |
| 16 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2012, 2014 | Очиқ савдо |
| 17 | Иқтисод ва солиқ алифбоси | Э.Сариқов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 18 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 19 | Меҳнат таълими | Х.Санакулов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 4-синф | | | | |
| 1 | Она тили | Р.Икромова ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Ўқиш китоби | С.Матчинов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Русский язык | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Ижара |
| 4 | Математика | Н.Бикбаева ва б. | 2015 | Ижара |
| 5 | Табиятшунослик | А.Бахромов | 2015 | Ижара |
| 6 | Одобнома | М.Холиқова ва б. | 2015 | Ижара |
| 7 | Муסיқа | О.Иброҳимов | 2015 | Ижара |
| 8 | Жисмоний тарбия | К.Маҳкамжонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 9 | Меҳнат таълими | И.Маннопова ва б. | 2015 | Ижара |
| 10 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 11 | Конституция алифбоси | О.Каримова | 2012, 2014 | Очиқ савдо |
| 12 | Иқтисод ва солиқ алифбоси | Э.Сариқов ва б. | 2008 | Очиқ савдо |
| 13 | Саломатлик дарслари | Д.Шарипова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 5-синф | | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2015 | Ижара |
| 2 | Адабиёт (1,2-қисм) | С.Аҳмедов ва б. | 2015 | Ижара |
| 3 | Русский язык | Муаллифлар гуруҳи | 2015 | Ижара |
| 4 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2015 | Бегул |
| 5 | Немис тили "Deutsch" | М.Қиёмова ва б. | 2015 | Бегул |
| 6 | Француз тили "Bonjour la France" | А.Носиров ва б. | 2015 | Бегул |
| 7 | Тарихдан хикоялар | У.Жўраев ва б. | 2015 | Ижара |
| 8 | Математика | Б.Ҳайдаров | 2015 | Ижара |
| 9 | Ботаника | У.Пратов ва б. | 2015 | Ижара |
| 10 | Табий география бошланғич курси | П.Ғуломов ва б. | 2015 | Ижара |
| 11 | Информатика | Д.Қамолiddинова | 2012 | Ижара |
| 12 | Ватан тўйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 13 | Муסיқа | А.Мансуров ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Жисмоний тарбия (5-6) | Т.Усмонжўраев ва б. | 2015 | Кутубхона фонди |
| 15 | Меҳнат таълими | Ш.Шарипов ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Тасвирий санъат | Т.Қўзиёв ва б. | 2015 | Ижара |
| 6-синф | | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2013 | Ижара |
| 2 | Адабиёт (1-2 қисм) | С.Аҳмедов ва б. | 2013 | Ижара |
| 3 | Русский язык | Г.Ғасилова | 2013 | Ижара |
| 4 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Жўраев ва б. | 2013 | Бегул |
| 5 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суҳанова ва б. | 2013 | Бегул |
| 6 | Француз тили | З.Абдушукурова ва б. | 2013 | Бегул |
| 7 | Тарих | А.Саъдуллаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 8 | Математика | М.Мирзааҳмедов ва б. | 2013 | Ижара |
| 9 | Физика | Н.Турдиев | 2013 | Ижара |
| 10 | Ботаника | У.Пратов ва б. | 2013 | Ижара |
| 11 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 12 | География | А.Соатов ва б. | 2013 | Ижара |
| 13 | Ватан тўйғуси | Х.Султонов ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Муסיқа | С.Бегматов ва б. | 2008 | Кутубхона фонди |
| 15 | Жисмоний тарбия (5-6) | Т.Усмонжўраев ва б. | 2015 | Кутубхона фонди |
| 16 | Конституция оламига сەҳхат | В.Костецкий ва б. | 2012, 2014 | Очиқ савдо |
| 17 | Иқтисод ва солиқ сабоқлари | Э.Сариқов ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 18 | Соғлом авлод асослари | Д.Аҳмедова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 7-синф | | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2013 | Ижара |
| 2 | Адабиёт | К.Йўлдошев ва б. | 2013 | Ижара |
| 3 | Русский язык | С.Исламбекова ва б. | 2013 | Ижара |
| 4 | Инглиз тили "Fly High English" | Л.Цой ва б. | 2013 | Бегул |
| 5 | Немис тили «Assalom, Deutsch» | Н.Суҳанова ва б. | 2013 | Бегул |
| 6 | Француз тили | В.Бухин ва б. | 2013 | Бегул |
| 7 | Ўзбекистон тарихи | А.Муҳаммадҷонов | 2013 | Ижара |
| 8 | Жаҳон тарихи | Т.Салимов ва б. | 2013 | Ижара |
| 9 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2013 | Ижара |
| 10 | Геометрия | А.Азамов ва б. | 2013 | Ижара |
| 11 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 12 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2013 | Ижара |
| 13 | Зоология | О.Мавлонов | 2013 | Ижара |
| 14 | География | П.Ғуломов ва б. | 2013 | Ижара |
| 15 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари | М.Қаршибоев ва б. | 2015 | Ижара |
| 16 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2013 | Ижара |
| 17 | Муסיқа | О.Иброҳимов ва б. | 2008 | Кутубхона фонди |
| 18 | Тасвирий санъат | А.Сулаймонов ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 19 | Конституция оламига сەҳхат | В.Костецкий ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 20 | Иқтисод ва солиқ сабоқлари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Очиқ савдо |
| 21 | Соғлом авлод асослари | Д.Аҳмедова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 22 | Жисмоний тарбия (7-8) | Т.Усмонжўраев ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 8-синф | | | | |
| 1 | Она тили | М.Қодиров ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Адабиёт 1-2 қисм | С.Олимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Русский язык | М.Рожнова ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бегул |
| 5 | Немис тили «Assalom, Deutsch!» | Н.Суҳанова ва б. | 2014 | Бегул |
| 6 | Француз тили «Le nouveau voyage en France» | З.Абдушукурова ва б. | 2014 | Бегул |
| 7 | Ўзбекистон тарихи | К.Усмонов ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Жаҳон тарихи | У.Жўраев ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари | О.Каримова ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Геометрия | А.Раҳимқориев | 2014 | Ижара |
| 13 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 14 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 15 | Одам ва унинг саломатлиги | Б.Аминов ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | География | П. Мусаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари | Р.Қўчқор ва б. | 2015 | Ижара |
| 18 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 19 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 20 | Жисмоний тарбия (7-8) | Т.Усмонжўраев ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 21 | Соғлом авлод асослари | Д.Аҳмедова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 22 | Солиқ тортиш асослари | Э.Сариқов ва б. | 2008 | Очиқ савдо |
| 9-синф | | | | |
| 1 | Она тили | Н.Маҳмудов ва б. | 2014 | Ижара |
| 2 | Адабиёт (1-2 қисм) | К.Йўлдошев ва б. | 2014 | Ижара |
| 3 | Русский язык | Р.Усмонова ва б. | 2014 | Ижара |
| 4 | Инглиз тили «Fly High English» | Л.Жўраев ва б. | 2014 | Бегул |
| 5 | Немис тили «Deutsch» | М.Дадаходжаева ва б. | 2014 | Бегул |
| 6 | Француз тили «D'un Etat a l'autre» | С.Раҳмонов ва б. | 2014 | Бегул |
| 7 | Ўзбекистон тарихи | С.Тиллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 8 | Жаҳон тарихи | М.Лафасов ва б. | 2014 | Ижара |
| 9 | Конституциявий ҳуқуқ асослари | Г.Тансиқбаева ва б. | 2014 | Ижара |
| 10 | Иқтисодий билим асослари | Э.Сариқов ва б. | 2014 | Ижара |
| 11 | Алгебра | Ш.Алимов ва б. | 2014 | Ижара |
| 12 | Геометрия | Б.Ҳайдаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 13 | Информатика | Б.Болтаев ва б. | 2015 | Ижара |
| 14 | Физика | П.Ҳабибуллаев ва б. | 2014 | Ижара |
| 15 | Кимё | И.Асқаров ва б. | 2014 | Ижара |
| 16 | Биология. Цитология ва генетика асослари | А.Зикиряев ва б. | 2014 | Ижара |
| 17 | Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси | А.Қаюмов ва б. | 2014 | Ижара |
| 18 | Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари | О.Мусурмонова ва б. | 2015 | Ижара |
| 19 | Чизмачилик | И.Раҳмонов | 2014 | Ижара |
| 20 | Жисмоний тарбия | Т.Усмонжўраев ва б. | 2005 | Кутубхона фонди |
| 21 | Соғлом авлод асослари | Д.Аҳмедова ва б. | 2007 | Кутубхона фонди |
| 22 | Солиқ тортиш асослари | Э.Сариқов ва б. | 2008 | Очиқ савдо |
| 23 | Дунё динлари тарихи | У.Жўраев ва б. | 2012 | Очиқ савдо |
| 24 | Юсак маънавий — энгилмас куч (ўқув қўлланма) | М.Қаршибоев ва б. | 2009, 2014 | Очиқ савдо |
| 25 | Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида | | 2014 | Очиқ савдо |

РУХАН ТЕТИК СПОРТЧИ ЕНГИЛМАЙДИ

Юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгани туфайли жойларда ўғил-қизларимизнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан кўплаб спорт иншоотлари барпо этилиб, энг чекка ва олис қишлоқларда ҳам соғлом турмуш тарзига эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Буни биргина гурланлик ёш спортчилар эришяётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гурлан туманида болалар спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йиллар давомида жамғарма маблағлари ҳисобидан тумандаги 6-, 10-, 24-, 32-, 40-умумтаълим мактабларида янги спорт заллари қурилди. Эшимжирон қишлоғидаги эски маъмурий бино қайта реконструкция қилиниб, унинг ўрнида 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил этилди ва зарур инвентарлар билан таъминланди. Бунинг учун 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Гимнастикани ривожлантириш мақсадида 8-умумтаълим мактабининг зали қайта реконструкция қилинди ва ўқувчи қизларнинг бадий гимнастика билан шугулланиши учун шароит яратилди. Ҳозир бу ерда турли ёшдаги ўқувчи қизлар 8 гуруҳга бўлинган ҳолда бадий гимнастика сирларини ўрганапти.

Бугун тумандаги 43та умумтаълим мактабининг барчаси замонавий

спорт залига эга. Бундай шароит, бундай қувончли воқеа кечагина юзлаб муаллимлар, ота-оналарнинг орузи эди. Бугун эса юрағида гайрати жўш урган, кўзлари ёниб турган ёшлар бўш вақтини мазкур спорт иншоотларида ўтказиб, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб улғаймоқда.

Қолаверса, бу каби имкониятлар ёшларнинг спорт билан шугулланиш даражасининг сон ва сифат жиҳатдан ўзaro уйғун тарзда ўсишини таъминламоқда. Масалан, бундан 10 йил олдин умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг 13,6 фоизи ўқишдан бўш пайтларини спорт тўғрисида ўтказган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 28,4 фоизга етди. Бунда 345та спорт секция ва тўғрақларининг ишлаб тургани муҳим аҳамиятга эга. Уларда мактаблар ва касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг 11072 нафари (4474 нафари қизлар) спорт билан мунтазам шугулланаётди.

Спорт билан шугулланиш учун барча шароит муҳайё этилган, тўғрақлар хизматга шай, болалар етарлича қабул қилинган бўлса-ю, мураббийлар ишончини оқламаसा, мақсадга эри-

шиб бўладими? Йўқ, албатта. Бу каби кенг қамровли ишлар рўйида мутахассислар масаласи хал қилувчи ўринга эга. Туманда 249 нафар спорт мураббийи ва тренерлари ёшларга сабоқ бериб, маҳорат сирларини ўргатмоқда. Тажрибали ва ёшлик шижоати билан тўлиб-тошган мураббийлар туманда гимнастика, оғир атлетика, бадминтон, эркин кураш ва велоспорти янада ривожлантириш учун ўз хиссасини қўшмоқда. Маълумотларга кўра, янги ўқувчилардан бошлаб қўшимча тўғрақлар ташкил қилинди ва улар яна 8 нафар мураббий билан таъминланди.

— Моҳир мураббийлар ва спорт билан кўнгилдагидек шугулланиш учун шарт-шароит бор жойда болалар эришяётган натижалар ҳам салмоқли бўлади, — деди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг тумандаги вакили Иноят Собиров. — Бу йил туманимизда болалар штурмида 38та мусобақа ўтказилди. Уларда 7266 нафар ўқувчимиз спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича ўзаро беллашди. Голибларнинг 59 нафари вилоят, 9 нафари республика миқёсидаги мусобақаларда қатнашди. 4 нафар спортчимиз республика ва халқаро мусобақаларда совриндор бўлди. Айниқса, гурланлик иктидорли спортчилардан бири Мурод Холмуродовнинг велоспорт бўйича эришяётган ютуқлари барчамизга гурур бағишлайди. У бир неча

марта республика чемпионлигини кўлга киритди. 2013 йили Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида ҳам маррага биринчи бўлиб етиб келиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Мурод Холмуродовнинг юртимиз шон-шухратини дунё ўзra янада кенг ёйишга ўз хиссасини қўшаётгани муносиб баҳоланиб, Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонида кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан тақдирланди.

Соғлом бола йилида тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 1999—2004 йилларда туғилган ўқувчилари ўрта-сида мини футбол, стол тенниси, шахмат ва енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказилиб, янги номлар кашф этилди ва муносиб рағбатлантирилди.

Ҳа, кизикарли ва ҳаяжонга бой мусобақаларнинг тез-тез ўтказилиши шу ҳудудда спортга алоҳида эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Мусобақаларда иродаси чиниққан, тажриба тўплаган ўғил-қизлар эса тобора куч-қувватга тўлиб боради. Вақт ўтиб, ҳар қандай даражадаги турнирда, йирик халқаро мусобақаларда исталган рақиб билан тенгма-тенг курашади. Руҳи тетик спортчиларни эса енгиб бўлмайди. Гурланлик ёшлар буниси яхши билишади.

Фарход АБДУЛЛАЕВ
Хоразм вилояти



ЎТГАН МАВСУМ «СЦЕНАРИЙ»СИ

Швейцариянинг Ньон шаҳридаги ФИФА қароргоҳида футбол бўйича Европа чемпионлар лигасининг плей-офф босқичидан ўрин олган нимчорак финал учрашувлари учун қўрға ташланди.




Унга кўра, 16 жамоа навбатдаги рақибини билиб олди. Энг кучли қарама-қаршиликлар остида кечадиган матлар сифатида «Манчестер Сити» — «Барселона» ҳамда ПСЖ — «Челси» учрашувларини қайд этиш мумкин. Ажаблანарлиси, ўтган мавсумда ҳам каталонияликлар нимчорак финалдаёқ манчестерликлар билан куч синашган, лондонликлар эса чорак финалда парижлик футболчиларга рўбарў келганди.

1/8 финалнинг қолган учрашувлари қуйидагиларга кўриниш олди: «Байер» — «Атлетико», «Ювентус» — «Боруссия» (Дортмунд), «Шальке» — «Реал», «Шахтер» — «Бавария», «Арсенал» — «Монако» ва «Базель» — «Порту».

Нимчорак финал учрашувларининг дастлабки келаси йилнинг 17-18 ва 25-26 февраль, жавоб ўйинлари эса 10-11 ва 17-18 март кунлари бўлиб ўтади.

ҚЎШМЕЗБОНЛИК МУҲОКАМАСИ

Хабарингиз бор, Рим шаҳри номзоди 2024 йилги ёзги Олимпия ўйинларини ўтказишга даъвогарлар рўйхатида расман киритилди. Шу муносабат билан Ватикан раҳбарлари ҳам бу воқеаликка ўз муносабатларини билдирмоқда.



Улар Рим шаҳри билан биргаликда мазкур йирик мусобақа мезбонлиги масаласини муҳокама қилмоқда. Агар шундай ҳолат бўлган тақдирда, ушбу кичик шаҳар-мамлакат ҳудудида олимпияданнинг бадминтон ва камондан ўқ узиш мусобақалари ўтказилади.

Аммо Италия бош вазир Маттео Ренци Халқаро олимпия қўмитасига йўллаган аризасида 2024 йилги олимпия ўйинлари мезбонлиги ҳуқуқи кўлга киритилиши, мусобақалар Рим, Флоренция, Неапол ва Сардинияда ўтказилишини кўрсатган. Давоғарлар аризалари қабули келаси йилнинг сентябр ойидаги давом этади. Голиб шаҳар 2017 йилда эълон қилинади.

ГОЛИБ ҲАМ ХАТО ҚИЛАДИ

Хохфильцен шаҳрида қишки биатлон бўйича ўтказилаётган ҳажон кубоги мусобақаларининг иккинчи босқичидан ўрин олган хотин-қизлар мусобақаси голиби аниқланди.



Финляндиялик Кайсе Мякярйнен 10 километр масофа бўйлаб ўтган кимўзарда олтин медални кўлга киритди. У нишонни мўлжалга олишда атиги бир марта хатога йўл қўйди.

Иккинчи ўрин россиялик Глазиринга, учинчи ўрин эса француз спортчиси Анаис Бесконга насиб этди.


МУЗНИ ҚИЗДИРГАН БАҲСЛАР

Барселона шаҳри мезбонлик қилган фигуралар учир бўйича Гран-при турнири финал босқичи якунига етди.

Жуний натижаларга кўра, эркаклар ўртасидаги яқалик баҳсларида олимпияда ўйинлари голиби, япониялик Юдзуру Ханого тенг келадиган спортчи топилмади. Кумуш медал мезбонлар вакили Хавьер Фернандесга, бронза медал эса россиялик Сергей Вороновга насиб этди. Ҳакамлар муз устида рақс тушиш бўйича куч синашган жуфтликлар орасидан канадалик Кейтлин Уивер ва Эндри Поже ҳаракатларидаги уйғунлиқни юксак баҳолади.

ЖОРДАН «УЧЛИК»ДАН ЧИҚАРИЛДИ

«Лос-Анжелес Лейкерс» жамоаси ҳимоячиси Кобе Брайант Миллий баскетбол ассоциацияси тарихидаги энг яхши ўйинчилар рўйхатида юқорилаб, «Чикаго Буллз» жамоасининг собиқ юлдузи Майкл Жорданни ортда қолдирди.



36 ёшли баскетболчи 32310 очко жамғарди ва фаолиятини 32292 очко билан якунлаган Майклдан ўзиб, 3-ўринга кўтарилди.

— Кобени ушбу ютуғи билан таъриқлайман, — деди М.Жордан. — У улкан маҳорат соғибди. Кўп йиллардан бунунинг меҳнатларини завқ билан кузатганам. Коби бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришя олади. Айни дамда мазкур рўйхатни Карим Абдул-Жаббор (38387 очко) ва Карл Мэлун (36928) бошқариб турибди.

ГАЛАБА ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтимиздаги Республика санъат коллежида Асосий қомусимизнинг 22 йиллик шодёнасига бағишлаб «Конституция кубоги-2014» спорт мусобақаси ўтказилди.

Ўсмирлар футбол, қизлар эса шахмат-шашка баҳсларида ўз имконияти ва омадини синади. Мусобақада жами 31 гуруҳдан 300га яқин ўқувчи қатнашди.

— Бундай мусобақаларда қатнашиш кўнгилга завқ бағишлайди, — деди мусобақа бош

соврини — Кубокни кўлга киритган коллежнинг 1-босқич ўқувчиси Моҳирахон Ашрафхўжаева ҳаяжонини яширмай. — Бунинг устига, ҳақ-ҳуқуқларимиз кафолати — Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилган

муросасиз баҳсларда шундай муваффақиятга эришганимдан хурсандман. Энди ўқишда ҳам тенгдошларимга ўрناк бўламан. Қарийб бир ой давом этган мусобақаларда зафар кўтган ҳамда совриндорлар қаторидан жой олган ўғил-қизларга медал ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ҳожибегим НАРЗИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

СПОРТСЕВАР МОЛИЯЧИЛАР «ҲИСОБ-КИТОБ»И

Тошкент молия институти спорт мажмуасида Конституциямизнинг 22 йиллиги муносабати билан факультетлараро мусобақа ташкил этилди.

Талаба-ёшлар футбол, баскетбол, сузиш, кураш, стол тенниси, шахмат бўйича мусобақалашди.

— Бугунги ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол улғайиши, кўзлаган мақсадларига эришиши учун барча

шароитлар яратилган, — деди мусобақа бош ҳаками Баҳодир Аббосов. — Хусусан, саломатлик ва дўстлик, тинчлик ва баркамоллик тисоли бўлган спорт ҳамда жисмоний тарбия билан шугулланиб, иро-

дасини тоблаётган ўғил-қизларимиз учун барча эшиклар очилди. Мазкур турнирдан мақсад чемпионларни кашф этиш эмас, балки муассасамизда соғлом муҳитни янада яхшилаш, талабаларнинг билим олишига, спортга иштиёқини оширишга қаратилган. Якуний натижаларга кўра, умумжамоа ҳисобида молия-иқтисод фа-

культетининг ҳаваскор спортчилари 1-ўринни эгаллади. Сугурта иши ҳамда ҳисоб-иқтисод факультети жамоалари эса кучли учликни тўлдирди.

Голиб ва совриндорларга фахрий ёриқ ва эсдалик совғалари берилди.

Бахтиёр ҲАЙИТОВ,
жисмоний маданият ва спорт фани ўқитувчиси

ЎЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги 37-умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказиш, истеъдодини юзга чиқаришга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим масканида фаолият кўрсатаётган фан ва ижодий тўгараклар доимо гавjum. Тасвирий санъат, хорижий тиллар, чеварлик ва дизайн тўгаракларига, ёшлар катта қизиқиш билдирмоқда.



Суратларда: Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги 37-умумтаълим мактабида.

ЎЗА фотомухбири
Тоҳир ИСТАТОВ
олган суратлар.

• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон

SHARHIM

Ta'lim



Abituriyentlar uchun yangi elektron testlarni endilikda O'zbekistonning istalgan nuqtasidan turib olish mumkin!

O'zbek va rus tillarida

DIQQAT! Endilikda testlarning istalgan quyidagi uch versiyasidan foydalanish mumkin:

- to'liq versiya (10 ta fan)
- komplekt (ta'lim yo'nalishiga bog'liq 3-4 ta fan)
- alohida fanlar

ONA TILI VA ADABIYOT

MATEMATIKA

FIZIKA

BIOLOGIYA

KIMYO

TARIX

GEOGRAFIYA

INGLIZ TILI

NEMIS TILI

FRANSUZ TILI



Guvohnoma №005067-03

- O'tgan yillardagi o'tish ballari
- Kasbga yo'naltirish bo'yicha testlar
- O'quv yurtlari va mutaxassisliklar haqida batafsil axborot

Batafsil ma'lumotlarni
WWW.MG.UZ saytidan yoki
+99871 **283-23-74, 283-39-34**
telefonlari orqali olish mumkin.

Xizmatlar litsenziyalangan.

Ma'rifat

TA'SIS

ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. G-1224. Tiraji 38969.

Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxonasi — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6436



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.
Navbatchi muharrir:
Gulyuz ORIFJONOVA.
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 21.50 Topshirildi — 22.15

1 2 4 5